Ўзбекистон овози

Кундалик ижтимоий-сиёсий рўзнома

РУЗНОМА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 216 (21. 083) 1991 йил 7 ноябрь, пайшанба ● Йилига 256 марта чиқади. ● Баҳоси 8 тийин.

Ўзбекистон—Беларусь:

ТАРИХИЙ ҚАДАМ

● Шартномани имзолаш пайти.

С. ВЕЛИЧКИН (ЎзТАГ) олган сурат.

Беларусь Республикасининг ҳукумат делегацияси аъзоларини Тошкент қадрдон дўстлар, туғишган оғаинилардек кутиб олди. Республика Олий Кенгашининг Раиси С. С. Шушкевич билан бирга Ўзбекистонга Беларусь Республикаси Олий Кенгаши Раисининг ўринбосари В. И. Шолодонов, Олий Кенгаш Қонунчилик комиссиясининг раиси Д. П. Булахов, ошкоралик, оммавий ахборот воситалари ва инсон ҳуқуқлари масалалари комиссиясининг раиси И. М. Коротченя, Халқаро ишлар ва ташқи иқтисодий алоқалар комиссиясининг раиси В. П. Садовский, Миллий сиёсат ва миллатлараро муносабатлар комиссиясининг раиси М. А. Слемнев, халқ депутатлари Могилев вилоят Кенгашининг раиси Н. Ф. Гринев, енгил саноат вазири Н. Т. Гулев, Фанлар академиясининг вице-президенти А. В. Степаненко келдилар. Делегация таркиби бу қадар мўътабар бўлишига боис шуки, иккала мустақил республика муносабатларнинг янги даврига — давлат даражасидаги муносабатларга ўтди. Ўзбекистон билан Беларусь бир-биридан бир неча минг километр олисда жойлашган бўлсаларда, иқтисодий ришталар билан чамбарчас боғланганлар. Уларнинг халқлари ўртасига душманлик уруғини сочиш мумкин бўлмаганидек, иқтисодий ришталарни ҳам узиб бўлмайди, чунки халқларимизнинг дўстлиги фашизмга қарши кураш йилларидаги жанг майдонларида тўкилган қон билан мустаҳкамланган.

6 ноябрь куни Беларусь Республикасининг расмий делегацияси билан бўлиб ўтган музокараларда Ўзбекистон Республикаси томонидан Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси Д. Н. Шамшетов, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раисининг ўринбосари Б. И. Бугров, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосарлари Ў. Қ. Исмоилов, Б. С. Ҳамидов, Олий Кенгаш Ошкоралик масалалари комитетининг раиси Э. В. Воҳидов, Чет эллар билан алоқа комитетининг раиси П. Қ. Ҳабибуллаев, Қонунчилик, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот масалалари комитетининг раиси Э. Ҳ. Ҳалилов, халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгашининг раиси С. Д. Сайдалиев, Фанлар академиясининг президенти М. С. Салоҳиддинов, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг раиси А. И. Фозилбеков қатнашдилар.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов билан Беларусь Республикаси Олий Кенгашининг Раиси С. С. Шушкевич Ўзбекистон Республикаси билан Беларусь Республикаси ўртасидаги давлатлараро муносабатларнинг асослари тўғрисидаги шартномани имзоладилар.

Иккала республика ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқалар тўғрисида ҳукуматлараро битим ҳам имзоланди. Уни Ўзбекистон Республикасининг вице-президенти Ш. Р. Мирсаидов билан Беларусь Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари В. А. Заламай имзоладилар.

Иккала республиканинг раҳбарлари журналистлар билан бўлган суҳбатда мана шу энг муҳим ҳужжатларнинг имзоланишини тарихий қадам деб атадилар.

И. А. Каримов билан С. С. Шушкевич журналистларнинг саволларига салкам бир ярим соат мобайнида жавоб қайтардилар. Турли-туман саволлар берилди, уларнинг ҳар бирига батафсил жавоб қайтарилди. Ҳа, журналистлар билан мана шундай учрашувлар яхши анъана бўлиб қолди, улар раҳбарларнинг ўз оғзидан муҳим ахборотни олиш, уларнинг бирон-бир масала хусусидаги нуқтаи назарини билиш имконини беради. Аммо, журналистлар шаънига ҳам аччиқ гаплар айтилди. Бу сафар Станислав Станиславович қаламкашларга жиддий эътирозлар билдирди. Мухбирлар баъзан ўткир фактлар кетидан қувиб, воқеаларни бузиб кўрсатишдан ва ҳатто республикалар раҳбарларининг фикрларини ўз билганларича талқин этишдан, улар айтмаган фикрларни айтди, деб ёзишдан ҳам қайтмайдилар, деб таъкидлади у.

И. А. Каримов билан С. С. Шушкевич журналистларнинг масъулиятига алоҳида эътиборни қаратдилар. Ҳозирги мураккаб ва таҳликали даврда журналистларнинг сўзи айни вазминлиги ва холислиги билан қадрли эканини айтдилар.

Телетомошабинлар шу куниёқ журналистлар билан бўлган учрашувни тўла-тўкис кўра олдилар. Шу сабабли унинг айрим жиҳатларинигина баён этиш билан кифояланамиз.

— Ўзбекистон ҳам, Беларусь ҳам сўнгги вақтда республикалар — тарқалиб кетаётган Иттифоқнинг субъектлари билан бир қанча ўзаро алоқа ўрнатдилар. Бу алоқалар келгусида қандай ишлайди, республика иқтисодиётини чуқур тангликдан олиб чиқишга қандай имкон беради? Сиёсатчилар реалистик фикр юритадиган кишилар эканлигини тушунамиз, аммо бўлажак воқеаларни халқнинг қандай яшаши, уни нималар кутаётгани жиҳатидан таҳмин қилмаслик мумкин эмас, ахир очиғини айтадиган бўлсак, одамлар кутаверib чарчашди...

Ўзбекистон Ахборот бошқармаси мухбирларининг шу саволига Беларусь ва Ўзбекистон раҳбарлари жавоб қайтардилар.

С. С. Шушкевич: имзоланган ҳужжатларнинг иқтисодий аҳамиятини таъкидлар эканман, уларнинг сиёсий жиҳатига ҳам тўхталиб ўтмоқчиман. Ҳужжатлар мустақил ва эркин республикалар номидан имзоланди. Бу эса биз — республикаларнинг вакиллари ташқаридан ҳеч қандай тазйиқсиз ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий алоқаларни ўзимиз ўзаро ўрнатаётганлигимизни билдиради. Мен буни мустақилликнинг қайтадан тикланиши деб атаган бўлур эдим, яқин вақтгача биз бундай мустақилликдан маҳрум эдик. Бу олдинга қўйилган қадамдир, тарихий қадамдир, чунки у халқларга ўз йўлини танлаб олиш имконини беради. Ўзбекистон билан Беларусь халқлари шундай йўлни танлаб олишди.

Марказ деб аталган тузилманинг тазйиқ ўтказишига хотима берилган. Бунга абадул-абад чек қўйилди. Ҳолбуки, ана шу тузилмалар аслида ҳеч қандай фойда бермай, барча неъматлардан фойдаланар эди. Ҳатто айрим ҳолларда зарар етказарди. Давлат Кенгашининг сўнгги қарори жуда кўп вазирликларни қисқартирди. Улар ёпиб қўйилди, лекин бу бирор кишига таъсир қилдими, ҳеч кимга таъсир қилгани йўқ. Чунки аслида бу вазирликларнинг ўзи йўқ эди.

Энди таҳминлар тўғрисида. Республикамизда, фақат биздагина эмас, вайрон этувчи жараёнлар ғоят жадал бормоқда. Биз ҳаётий бўлмаган ва зарарли тузилмаларни онгли равишда бузиб ташлаяпмиз. Лекин ўрнига оқилона бирор нарсани ана шундай тезликда барпо этяпмизми? Афсуски эски тузилмалардан, айтиш мумкинки, мажлисбозлик тамойиллари қолди, шу сабабли ижроия ҳокимияти ҳамон ожиз. Бу бартараф этиш лозим бўлган иллатдир.

Биз ҳамма нарсани ўз жойига қўядиган энг мақбул вариантни топамиз, деб ўйлайман. Ижроия ҳокимият ҳам ишлай бошлайди.

Бизнинг вазифамиз — келгуси йилда иқтисодиётдаги аҳволни барқарорлаштиришдан иборат. Республикалар ўртасидаги шартномаларнинг бажарилиши ҳам худди шу ишга кўмаклашади. Фаразлар — мураккаб иш, лекин барқарорлаштиришга эришилса, у ҳолда икки йилдан кейин турмуш даражасининг яхшиланганини ҳис этамиз.

И. А. Каримов: Республикалар ўртасида имзоланган шартномалар фалокатли тарзда тезлик билан иқтисодий алоқаларнинг узилиб бориш жараёнини тўхтатиб қола олади. Бир вақтлар ҳар бир мурувватгача барча нарсаларни ишлаб чиқариш ҳақида буйруқ берадиган режалаштирувчи марказ ҳозир бирон-бир чора кўришга ночор бўлиб қолди, республикаларни тўлқинлар гирдобига ташлаб қўйди. Бунинг маъноси шуки, оддий моддий таъминотдан маҳрум бўлган ўнлаб, юзлаб корхона эртага тақа-тақ тўхтаб қолади. Раҳбарларнинг вазифаси ишлаб чиқариш тўхтаб қолмаслиги учун, озиқ-овқат таъминоти бир меъёрда бориши учун ўз вақтида аралашишдан, республикалар ўртасидаги алоқаларни йўлга қўйишдан иборат. Бир лаҳза ўйлаб кўрайлик, биз сариёғни Беларус-

(Давоми иккинчи бетда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БИЛАН БЕЛАРУСЬ РЕСПУБЛИКАСИ ЎРТАСИДАГИ ДАВЛАТЛАРАРО МУНОСАБАТЛАРНИНГ АСОСЛАРИ ТЎҒРИСИДА

ШАРТНОМА

Қуйида Томонлар деб аталувчи Ўзбекистон Республикаси ва Беларусь Республикаси, 1990 йил 20 июнда қабул қилинган Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Мустақиллик декларациясига, Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 31 августда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»ги Қонунга ҳамда Беларусия Совет Социалистик Республикаси Олий Кенгашининг 1990 йил 27 июлда Беларусия Совет Социалистик Республикасининг давлат мустақиллиги тўғрисида қабул қилган Декларацияга, Беларусия Совет Социалистик Республикасининг 1991 йил 25 августдаги «Беларусия Совет Социалистик Республикаси Олий Кенгашининг Беларусия Совет Социалистик Республикасининг давлат мустақиллиги тўғрисидаги Декларациясига конституциявий мақом бериш ҳақида»ги Қонунига асосланиб, ҳар иккала суверен давлатларнинг миллий манфаатларига жавоб берадиган дўстлик ва муштарак ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга интилиб,

ўз давлатлараро муносабатларини суверен тенглик, ички ишларга аралашмаслик, куч ишлатишдан, иқтисодий ва бошқа ҳар қандай тазйиқ ўтказиш методларини қўллашдан воз кечиш, баҳсли муаммоларни муросага келтирувчи воситалар ёрдамида тартибга солиш принциплари, шунингдек халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этган бошқа принциплари ва нормалари асосида ривожлантириш зарурлигига комил ишонч ҳосил қилган ҳолда,

ўзининг сиёсий ва иқтисодий тараққиёт йўлини танлашда барча халқларнинг ҳуқуқларини ҳурмат қилиб,

демократик ҳуқуқий давлат тузишга аҳд қилганликларини билдириб,

ўз муносабатларини инсоннинг ҳуқуқларини ва асосий эркинликларини ҳурмат қилиш асосида ривожлантириш зарурлигига қатъий ишонган ҳолда,

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти уставининг, Хельсинки Якунловчи ҳужжатининг, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик бўйича бошқа ҳужжатларнинг мақсад ва принципларига содиқ қолишларини тасдиқлаб,

қуйидаги битимга келдилар:

1-МОДДА

Томонлар бир-бирларини мустақил давлат деб таниндилар ва ўз зиммаларига бошқа Томоннинг давлат мустақиллигига зиён етказиши мумкин бўлган хатти-ҳаракатларни қилмаслик мажбуриятини оладилар.

2-МОДДА

Томонлар суверен тенглик, бир-бирининг ишига аралашмаслик, куч ишлатиш ва куч ишлатиш билан таҳдид қилишдан ўзаро воз кечиш, мунозараларни тинч йўл билан тартибга солиш, инсон ҳуқуқларини ҳурматлаш, умум эътироф этган принциплар ва халқаро ҳуқуқ нормаларидан, ушбу шартномадаги ва ўзлари ўртасидаги ўзга битимлардаги вазифаларни бажариш асосида сиёсий, иқтисод, савдо, фан-техника, маданият ва ўзга соҳаларда дўстлик ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантирадилар ва мустаҳкамлаб борадилар.

3-МОДДА

Томонлардан ҳар бири ўз ҳудудида истиқомат қилаётган бошқа Томоннинг фуқароларига Томонларнинг амалдаги қонунларига мувофиқ ўз фуқароларининг ҳуқуқ ва эркинликларига тенг ҳуқуқ ва эркинликларни ҳамда тенг ҳуқуқий ҳимояланишини кафолатлайди.

4-МОДДА

Томонлар ўз ҳудудларида истиқомат қилувчи милий озчиликнинг ҳуқуқларини таъминлайди, этник, тил ва диний ўзига хослигини эркин ифодалашини, сақлаб қолиши ва ривожлантиришини, она тилида билим олишини, ўзининг миллий маданиятини давом эттиришини ва ривожлантиришини таъминлайдилар.

5-МОДДА

Томонлар сиёсат, иқтисод, савдо, маданият, фан ва техника, экология, соғлиқни сақлаш, туризм, спорт, гуманитар ва бошқа соҳалардаги тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантирадилар, ахборотларни кенг миқёсда айирбошлашга кўмаклашадилар. Томонлар тегишли соҳаларда ҳамкорлик қилиш тўғрисида битимлар тузишни зарур деб ҳисоблайдилар.

6-МОДДА

Томонлар ўзларининг кучғайратларини бирлаштиришни, шу жумладан умумий мувофиқлаштирувчи муассасалари орқали тенг асосда биргаликда амалга ошириладиган фаолиятлари доирасига қуйидаги масалалар киради деб эътироф этадилар:

— ташқи сиёсат ва ташқи иқтисодий фаолиятда баҳамжиҳат ҳаракат қилиш;

— умумий иқтисодий майдонни, бозор муносабатларини шакллантириш ва ривожлантиришда бож сиёсати соҳасида ҳамкорлик қилиш;

— энергетика транспорт, информатика ва алоқа системаларини, жумладан йўлдошлар орқали алоқа ва телекоммуникацияни бошқариш;

— атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида ҳамкорлик қилиш, экологик хавфсизликнинг кенг қамровли халқаро системасини яратишда иштирок этиш, фавқулодда ҳолатларда ўзаро ёрдам бериш;

— миграция сиёсати;

— фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, жиноятчиликка қарши кураш;

— кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва улар малакасини ошириш;

— ҳамкорликда фундаментал, амалий тадқиқотларни амалга ошириш ва муштарак илмий-техник дастурларни рўёбга чиқариш.

7-МОДДА

Томонлар Чернобиль атом электр станцияси, Орол денгизи ва Орол теварак-атрофи ҳалокатининг планетар характерини англаб, шу фалокат билан боғлиқ муаммоларнинг барча жиҳатлари бўйича ахборотлар айирбошлаш, шунингдек ҳалокатларнинг оқибатларини бартараф этиш юзасидан куч-ғайратларини кенг кўламда, шу жумладан халқаро миқёсда бирлаштириш ва мувофиқлаштириш мажбуриятини оладилар.

8-МОДДА

Томонлар вилоятлар, шаҳарлар, районлар даражасида ўрнатиладиган турли алоқалар ва ҳамкорликларни, жамоат, маданият, фан, ўқув ташкилотлари ва ўзга ташкилотлар давлат идоралари ўртасидаги кенг кўламли муносабатларни рағбатлантирадилар.

9-МОДДА

Томонларнинг иқтисодий муносабатлари энг яхши қулайликлар яратилишини кўзда тутувчи ва савдо-иқтисодий, илмий-техникавий муносабатларнинг ривожини таъминловчи:

— давлат ҳокимияти ва бошқаруви идоралари;

— банклар ва молия системаси;

— илмий муассасалари;

— ҳудудий ўз-ўзини бошқарув идоралари;

(Давоми иккинчи бетда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУКУМАТИ БИЛАН БЕЛАРУСЬ РЕСПУБЛИКАСИ ҲУКУМАТИ ЎРТАСИДА 1992 ЙИЛДА САВДО-ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК ПРИНЦИПЛАРИ ТЎҒРИСИДА

БИТИМ

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Беларусь Республикаси ҳукумати, бундан кейин «томонлар» деб аталди, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Беларусь Республикаси ҳукумати ўртасида 1991 — 1995 йилларда иқтисодий, илмий-техника ва маданий ҳамкорлик тўғрисидаги битимга мувофиқ савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантиришдан, иккала республиканинг хўжалик субъектлари ўртасида бозор муносабатлари учун қулай шарт-шароитлар яратишдан ўзаро манфаатдорликка асосланиб, қуйидагилар тўғрисида келишиб олдилар:

1-МОДДА

Томонлар ўзаро савдо-иқтисодий муносабатларни ягона иқтисодий ҳамжамият доирасида тенг ҳуқуқли шериклик ва ўзаро манфаатдорлик асосида амалга оширадилар ҳамда бир-бирларига иқтисодий зарар етказадиган хатти-ҳаракатлар қилмайдилар.

2-МОДДА

Томонлар 1992 йил учун шартномалар тузишда, одатда, 1990 йилда вужудга келган республикалараро хом ашё, ишлаб чиқариш-техника йўналишидаги маҳсулотлар ва товарлар етказиб бериш лимитлари ҳажмларини асос учун қабул қиладилар.

Томонлар маҳсулотлар ва товарларнинг муҳим турларини 1 ва 2-иловаларга мувофиқ ўзаро етказиб беришни назорат қилишни ҳукуматлар даражасида амалга ошириш, ишлаб чиқаришнинг вужудга келган ҳажмларини ҳисобга олган ҳолда, ушбу битим иловаларига кирмаган номенклатура бўйича маҳсулотларни, шунингдек, тармоқ ичида ва тармоқлараро комплектация ва кооперация алоқалари бўйича, ўзаро етказиб бериш-ларни сақлаб қолишда хўжалик субъектларига ёрдам бериш, корхоналар томонидан ўрнатиладиган тўғридан тўғри хўжалик алоқаларини чегаралаб қўймаслик мажбуриятини оладилар.

(Давоми иккинчи бетда).

САМИМИЙ ҚУТЛОВ

МИРЗАЧЎЛДА ҚУРИҚ ЕРЛАРНИ ЎЗЛАШТИРИШ БОШЛАНГАНИНИНГ 35 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН МЕЛИОРАТОРЛАРГА, ҚУРУВЧИЛАРГА, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МЕҲНАТЧИЛАРИГА

ТАБРИКНОМА

Азиз ўртоқлар!

Республикамиз меҳнат солномасига ёрқин саҳифаларни битган воқеа — Мирзачўлдаги қўриқ ерларни ўзлаштириш бошланганига 35 йил тўлди.

Мутахассислар, мелиораторлар, қурувчилар ва деҳқонлар кўп минг кишилик байналмилал жамосининг зўр бериб қилган фидокорона меҳнати натижасида ана шу йиллар ичида асрлар давомида қақраб ётган яйдоқ чўл суғориладиган ям-яшил ўлкага айланди.

Мирзачўлни ўзлаштирувчиларнинг олижаноб меҳнати Жиззах ва Қарши чўлларини, Шеробод даштини ўзлаштириш, Аму-Бухоро, Қарши, Шеробод, Аму-Занг ва бошқа энг муҳим ирригация иншоотлари, гидроузеллар, насос станциялари ва машина каналларини қуриш учун кенг йўл очиб берди.

Мирзачўл ва Жиззах даштида кенг миқёсли мелиорация ишларининг амалга оширилиши натижасида 440 минг гектар ерга сув чиқарилди.

Сув хўжалиги, уй-жой, маданий-маиший қурилиш ва қишлоқни ижтимоий жиҳатдан қайта қуришнинг катта дастури амалга оширилди. Қўриқ ерларда замонавий обод қўрғонлари бўлган 80 та янги давлат хўжаликлари барпо этилди.

Бу эса иккита янги вилоят — Сирдарё ва Жиззах вилоятларини ташкил этишга, пахтачилик билан шуғулланадиган янги йирик районни барпо этишга, республика ана шу минтақасининг жуда кўп ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал қилишга имкон берди.

Турли касб ва миллатга мансуб юз минглаб чўлқуварларнинг мислсиз мураккаб ва қийин шароитдаги мисли кўрилмаган ташаббускорлиги ва фидокорона меҳнати Ўзбекистоннинг суғориладиган ерларини икки баравар кўпайтиришга имкон берди, ҳозир бу ерларда 8 миллиондан ортиқ одам яшамоқда ва меҳнат қилмоқда.

Қўриқ вилоятлар ҳозир пахта тайёрлаш режасини бажариб, мустақил Ўзбекистоннинг умумий хирмонига салмоқли ҳисса қўшдилар.

Бунга лойиҳачилар, мелиораторлар, қурувчилар, олимлар, давлат хўжаликларининг ишчилари ва мутахассислари, барча сув хўжалиги ходимлари кўп минг кишилик жамоасининг илҳомбахш ижодий меҳнати билан эришилди.

Мирзачўл ва Жиззах чўлидаги қўриқ ерларни ўзлаштиришда иштирок этган барча кишиларни ҳамда улар орқали республикамиздаги чўлқуварлар ва янги ер ўзлаштирувчиларнинг кўп минг кишилик отрядини самимий табриклайман!

Сизларнинг меҳнат жасоратингиз ҳамиша ўз халқига садоқат билан хизмат қилиш намунаси бўлиб қолаверсин, сизларнинг она Ватанимиз — Ўзбекистоннинг гуллаб-яшнашига қўшган бебаҳо ҳиссангиз халқ хотирасида ҳамиша сақланиб қолсин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти

И. КАРИМОВ.

МИРЗАЧЎЛНИНГ НАВҚИРОН ЁШИ

Гулистон шаҳри байрам либосига бурканган. Мирзачўл қўриғига ҳал қилувчи ҳужум бошланганлигининг 35 йиллигини нишонлаётган чўлқуварлар масканига бугун республикамизнинг барча вилоятлари, шунингдек чўлни ўзлаштиришда елкама елка туриб меҳнат қилган қўшни Қозоғистон, Тожикистон, Қирғизистон республикаларидан меҳмонлар келишган.

Шаҳар марказида жойлашган Олим Хўжаев номли вилоят театр биносида ана шу қутлуғ санага бағишланган тантанали йиғилиш бўлди. Уни Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раиси Ш. М. Йўлдошев қисқача кириш сўзи билан очди. У Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримовнинг табриknомасини ўқиб эшиттирди.

Республика Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси Раисининг биринчи ўринбосари И. Ҳ. Жўрабеков чўлқуварларнинг босиб ўтган шонли мардона кураш йўллари ҳақида маъруза қилди.

Йиғилиш сўнгида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси Ш. М. Йўлдошев бир гуруҳ ўртоқларга республикамиз Фахрий ёрлиғи ҳамда юксак унвонлари нишонини топширди.

Қўриқ воҳа маркази Гулистон шаҳрида байрам тантаналари кун бўйи давом этди.

А. УМАРОВ,
«Ўзбекистон овози» ҳуҳбири.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ДИҚҚАТИГА

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раисининг фармойишига биноан Олий Кенгаш сессияларига амалда тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишни такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси халқ депутатларидан ишчи гуруҳларини тузиш мақсадга мувофиқ деб топилди.

18 ноябрь куни очиладиган навбатдаги VIII сессияга тайёргарлик кўриш учун иқтисодий ислоҳот, бюджет сиёсати ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқарув комитети раиси Эркин Норматович Хўжаев бошчилигида шундай гуруҳ тузилди. Гуруҳга Қорақалпоғистон республикаси, барча вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳрининг вакиллари кирдилар.

Ишчи гуруҳи сессияга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш даврида Олий Кенгаш фаолиятини ташкилий жиҳатдан таъминлаш, депутатлар муҳокамасига тақдим этиладиган материалларга дастлабки ишлов бериш, оммавий ахборот воситаларининг Олий Кенгаш ишини ёритиши, шунингдек сессия чоғида депутатларга ташкилий-техникавий ва бошқа хизмат кўрсатиш масалаларини ҳал қилади.

5 ноябрь куни ишчи гуруҳининг дастлабки ташкилий мажлиси бўлди, бу гуруҳ 11 ноябрдан бошлаб VIII сессия очилгунга қадар Олий Кенгаш биносида ишлайди.

Сиз сессияга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир барча масалалар бўйича ўз таклифларингизни (кун тартибига қўшимча таклиф этиладиган масалалар Олий Кенгаш иш тартибига мувофиқ ишлаб чиқилиши керак) **қуйидаги манзилга юборишингиз мумкин: Тошкент шаҳри, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раёсати. Ўзбекистон Республикаси халқ депутатларининг ишчи гуруҳига юборишингиз ёки қуйидаги телефонлар орқали хабар беришингиз мумкин: 39-55-79; 39-85-83; 39-85-07; 39-86-54; 39-85-61.**

ТАРИХИЙ ҚАДАМ

(Давоми. Боши биринчи бетда).

дан оляпмиз, тракторлар, унинг деталлари ҳам ўша ердан келяпти, хўш, агар бу маҳсулотларни бериш тўсатдан тўхтаб қолса, нима бўлади, — буни тасаввур қилиш қийин эмас. Республикаларимиз ўртасидаги алоқалар нақадар муҳимлигини мана шу кичик мисол кўрсатиб турибди.

Агар биз имзолаган ҳужжатлар ҳақида завқ-шавқ билан айтилаётган гапларни бир нафас тўхтатиб, уларнинг энг муҳим аҳамияти ҳақида ўйлаб кўрадиган бўлсак, бунинг моҳиятини эртагаёқ ҳар бир киши сезиб олади. Бироқ шартнома бажарилган тақдирдагина, ундан наф чиқади. Шартноманинг ҳар бир бандини қандай қилиб бўлмасин бажара олиш қобилиятини, ваъдага вафо қилиш одатини худди шу ўринда кўрсатиш керак.

Энди тахминлар ҳақида гапирмоқчиман, ҳа, бу — осон иш эмас. Ҳозир парчаланиб бораётган Иттифоқимизда бирон киши ҳеч қандай ваъдаларга ишонмаслигига аминман, чунки биз 1985 йилдан буён бундай ваъдаларнинг кўпини эштдик.

Республикалар ўртасидаги шартномалар эса — аниқ иш. Бу иш Республикалар ўртасида алоқалар ўрнатиш ва уларни мустаҳкамлаш — тангликдан чиқишнинг бирдан-бир йўли эканини ҳар бир киши англаб олиши учун имкон беради.

Ўзбекистоннинг Россия, Украина, Беларусь билан, Ўрта Осиё ва Кавказ орти республикалари билан тузган шартномалари — Ўзбекистон иқтисодиётини барқарорлаштириш йўлидир. Аммо биз бозор муносабатларига ўтсаккина, шу муносабатларнинг таркибий ва кўмакчи соҳаларини вужудга келтирсаккина, корхоналарга ва ишбилармонликка эрк берсаккина бу ишда бирон-бир арзигулик натижага эриша оламиз.

Шундагина биз одамларга қуйига қараб бориш тўхтатилиши, юқорига кўтариладиган кун бошланиши хусусида кафолат бера оламиз. Биз яхши умидли кишилармиз, шундай бўлишига ишонамиз. Борис Николаевич келгуси йилнинг кузига бориб Россиядаги аҳвол яхшилана бошлайди, деяпти. Биз ҳаммамиз бир-биримиз билан чамбарчас боғлиқмиз. Республикалардаги жараёнлар ҳам таҳминан бир хил кечаяпти. Ишончим комилки, бизнинг республикамиз ўзининг шартномавий мажбуриятларининг бажарилишини нақадар фаол таъминлаб борса, кўп куч-ғайратлар билан йўлга қўйилаётган ўз ташқи алоқаларини юриштириб, мустаҳкамлайверса, чет эллик ҳамкорлар билан яхши ишбилармонлик муносабатларини ўрнатса, Ўзбекистон халқларининг турмуш даражаси ҳам шу қадар тезроқ яхшилана бошлайди. Бу борада жуда кўп куч-ғайрат сарфланмоқда.

Биз журналистлар билан учрашувда айтилган икки рақамни ён дафтаримизга ёзиб олдик. Белорусда 350 мингдан кўпроқ ўзбек яшар экан, Ўзбекистонда эса 4,5 мингга яқин беларусь бор. Рақамларнинг ўзи эмас, балки, улар ҳам, булар ҳам ягона қардошлик оиласида яшаётганлари диққатга сазовордир. Модомики шундай экан, ҳозир «миллий масала бўйича баъзи мутахассислар» большевиклар зўрлик билан тузган халқлар дўстлиги ҳақида, бу муносабатларнинг сохталиги тўғрисида нимаики демасинлар, ҳақиқий воқеликка шак келтириб бўлмайди. Бу дўстлик яшамоқда, шу кунларда дўстлигимиз янги мазмун билан бойимоқда, бинобарин у зангламайди ва эскирмайди.

Ўзбек ва беларусь халқларининг, ўзбеклар билан россияликларнинг, Ўзбекистон халқи билан Украина, Қозоғистон, Ўрта Осиё республикалари халқларининг дўстлиги, келажаги порлоқдир.

* * *

Беларусь расмий делегациясининг аъзолари республиканинг миллий боғини бориб кўрдилар. Шарқнинг буюк мутафаккири ва шоири Алишер Навоий ҳайкали пойига гуллар қўйилди, улар Халқлар дўстлиги саройини кўздан кечирдилар. Тошкентнинг диққатга сазовор жойлари билан танишдилар.

— Биз Самарқанд ва Бухоро ёдгорликларини кўришга орзуманд эдик, — деди С. С. Шушкевич. — Аммо оз вақтни оладиган шу сафарга ҳам вақт топиш қийин.

Ҳа, ҳаммамизнинг ҳам вақтимиз жуда зиқ. Вазиятнинг ўзи тезроқ қарорлар қабул қилишни, уларни зудлик билан амалга оширишни тақозо этмоқда. Беларусь делегациясининг Ўзбекистонга ташрифи ҳам шуни кўрсатди.

Ҳукумат делегациясининг аъзолари шу куниёқ Минскка жўнаб кетдилар.

В. ДРАЧЕВ,
С. ФЕНЮТИН,
ЎзТАГ мухбирлари.

● И. А. Каримов ва С. С. Шушкевич шаҳар билан танишиш чоғида ёш келинкуёвларни табриклашмоқда. С. ВЕЛИЧКИН. (ЎзТАГ) олган сурат.

ЧИН ҚАЛБДАН ТАБРИКЛАЙМИЗ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ЎРТОҚ ИСЛОМ АБДУҒАНИЕВИЧ КАРИМОВГА

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

Сизни, жаъмики, Ўзбекистон халқини, барча пахтакор деҳқонларни ғоятда катта меҳнат зафари билан чин қалбдан самимий ва қизғин қутлаймиз. Биз аминмизки, 4.450.000 тонналик «оқ олтин» хирмони аввало мардонавор кураш, халқимизга бўлган, касбга бўлган чексиз муҳаббат туфайли қўлга киритилди. Бу меҳнат натижаси қанчалик ғайрат-шижоат, фидокорлик ва жасорат талаб қилишини биз тожикистонлик деҳқонлар ҳам яхши биламиз. Шуни алоҳида фахр ҳисси билан қайд этиш керакки, мамлакатда, қардош жумҳуриятларда иқтисодий, сиёсий вазият ғоят танг бўлганлигига қарамай, айрим жойларда етиштирилган ҳосил далада қолиб митинг-бозлик, иш ташлаш, ноиттифоқлик авж олган бир пайтда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, айниқса, пахтадан шу қадар улкан хирмон кўтариш фақатгина мардлик ва ўзбекона тантиликнинг ёрқин белгисидир. Шунинг учун ҳам биз даласи даламизга, қалблари қалбларимизга туташиб кетган лафзи ҳалол ўзбекистонлик азиз дўстларимизнинг муваффақиятидан сидқидилдан қувондик, бошимиз осмонга етди. Ахир биз бир дарёдан сув ичамиз, бир ҳаводан нафас оламиз, бир-биримизга таяниб ишлаймиз. Чунончи, маслагимиз, мақсадимиз, динимиз, тилимиз, дилимиз бир халқмиз.

Қадрли Ислом Абдуғаниевич!

Ўзбекистон жумҳурияти мустақиллиги бизни ҳам ғоятда қувонтирди. Чунки бу йўлда аллақачон жуда яхши қадамлар қўйилди ва қўйилмоқда. Сизнинг мардонавор фаолиятингиз, метин иродангиз, катта тажриба ва билимингиз, ақл-заковатингиз нафақат Ўзбекистон жумҳурияти, балки бутун Ўрта Осиё халқлари, жумладан биз учун ҳам жуда катта мактаб сабоғини беряпти ва айни пайтда ғоятда тўғри йўлни танлаб олишимизнинг зарур омили бўлмоқда. Хусусан, сизнинг ташаббускорлигингизга ва фармонларингизга асосан пахта толаси харид нархи, пахтакорларнинг моддий манфаатдорлиги оширилди. Бу албатта республика иқтисодиётини янада мустаҳкамлайди, пахта сифатини яхшилайди, унинг халқаро савдодаги мавқеини кучайтиради. Ўз ўрнида даромад ошади, пахтакорлар турмуши фаровон бўлади.

Биз бир пахтакор сифатида шуни алоҳида айтамизки, мустақилликнинг бу илк меваларидан жуда ҳам мамнунмиз. Бу йўлда сиз, азизларимизга, ўзбекистонлик дўстларимизга янада янгидан-янги омадлар, битмас-туганмас куч, метин ирода тилаймиз. Яна бир бор сизларни улкан меҳнат ғалабаси билан қизғин табриклаймиз. Доимо сиҳат-саломат, бахтли ва омадли бўлинглар.

Ҳурмат билан

Абдуғафур САМАТОВ,
Тожикистон Республикаси, Ленинобод вилояти, Пролетар ноҳиясидаги Ленин номли жамоа хўжалиги бошқарувининг раиси, икки марта Соцналистик Меҳнат Қаҳрамони.

Акс-садо

АМАЛИЙ ТАДБИРЛАР ЗАРУР

Биз «Ўзбекистон овози»нинг мустақиллик дорилфунуни» рукуни остида берилаётган мақолаларни синчковлик билан кузатиб боряпмиз. Ундаги академик С. Зиёдуллаевнинг «Истиқболга қадам» мақоласи (1991 йил 18 сентябрь) диққатимизни тортди. Сабаби муаллиф кўтарган муаммоларнинг ҳар бирида кечаги ва бугунги кунга адолат кўзи билан қараш, чуқур ва холис ёндашишдек муҳим жиҳатлар мавжуд. Республикамиз мустақилликка эришган бир шароитда бундай тамойил жиддий аҳамиятга эга. Зотан, ўтмишдан тўғри хулоса чиқармаслик кўп ҳолларда кечаги хатоларни такрорлашга олиб келиши тайиндир.

Шу нуқтаи назардан қараганда, мазкур мақола халқ хўжалиги тармоқлари ва корхоналарининг ҳозирги муш кул аҳволга тушиб қолишига сабаб ўтган даврда уларнинг марказдаги юқори бошқарув идораларига молиявий бўйсуниши, юқоридагиларнинг маҳаллий шароитимизни мутлақо ҳисобга олмаганлиги оқибати эканлиги тўғри эътироф этилган. Жумҳурият аҳолиси турмуш даражасининг пастлиги, республиканинг иқтисодий аҳволи ночорлиги ва экология муаммолари ҳам асосли, тўғри таҳлил этилган. Мабодо, бу таҳлиллар фалсафий талқин қилинадиган бўлса, базисга устқуртманинг таъсири нақадар катта эканлиги очиқ-ойдин кўринади.

Мақола муаллифи республика иқтисодиётини фақат таҳлил қилиш билан чекланмай, балки халқ хўжалиги тармоқлари ва корхоналарининг ҳозирги аҳволи, хусусиятларини ҳисобга олиб, келажакда улардан фойдаланиш ва юқори самарадорликка эришиш йўлларини ҳам кўрсатиб беришга ҳаракат қилади. Бу борада республика ўз ҳудудидаги Иттифоқ қарашли йирик саноат корхоналарини ҳам ўз ихтиёрига олиши, кичик корхоналар ва кичик савдо дўконларини ишбилармонларга топшириши кераклиги, бошқа жумҳуриятлар билан эса ўзаро шартнома асосидаги иқтисодий алоқаларни кучайтириши зарурлиги хусусида таклиф-мулоҳазалар билдирилган. Шунингдек, биз эътиборни кўпроқ Европа мамлакатлари моделига эмас, балки Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон билан бўладиган иқтисодий алоқаларга қаратишимиз лозимлиги тўғри таъкидланган.

Чунки ғарб олимлари бизнинг ижтимоий-иқтисодий, тарихий ва миллий хусусиятларимизни ўз олимларимиздек чуқур билмаслиги аён. «Кийимнинг иссиқ-совуқлигини кийим эгаси билади», деган гап бежиз айтилмаган ахир.

Хуллас, мақола муаллифи кўтарган муаммолар илмий асосда талқин қилинган бўлиб, улар бугунги кунимиз учун жуда муҳим аҳамиятга моликдир. Биз умуман, «Ўзбекистон овози»да мазкур рукун остида изчил бериб борилаётган мақолаларда кўтарилаётган долзарб муаммоларга юқори доирадаги тегишли идоралар катта эътибор беришлари ва улар юзасидан амалий чора-тадбирлар белгилашлари зарур, деб ҳисоблаймиз.

Т. ШИРИНҚУЛОВ,
ЎзФА мухбир аъзоси, техника фанлари доктори, Самарқанд давлат қурилиш ва меъморчилик билимгоҳи кафедра мудири, профессор.

Н. САНАЕВ,
Самарқанд давлат қишлоқ хўжалиги билимгоҳи кафедра мудири, иқтисод фанлари доктори, профессор.

Мажбурият бажарилди

ҚИРМИЗИ ДОН

— «Сиздан ҳаракат — биздан баракат», деганлари рост экан, — дейди Қорақалпоғистон республикасининг донгдор шоликори Пардабой Наврўзбоев мамнуният билан. — Биз ҳамкасбларимиз билан бамаслаҳат иш тутиб, шоли парваришини агротехника қоидаларига қатъий амал қилган ҳолда ўтказдик. Бахтимизга сув ҳам етарли бўлди. Шолининг «Толмас», «Нукус—2», «Қорақалпоғистон» навларини биринчи марта экканимизга қарамай, юқори ҳосил олдик. Тажрибали ҳамкасбларимиз таъкидлашича, шолининг бу навлари жумҳуриятимиз далаларига лаёқатли бўлиб чиқди. Уруғлик вақтида экилгани, парвариши ўрнига қўйилгани учун эрта пишди, мўл ҳосил олинишига замин яратилди.

Уста шоликор ҳақ гапни айтди. Баҳордан қилинган тадбирли ҳаракатлар, ёз ойларида суғориш маромида ўтказилгани кузга келиб ҳосилга барака киритди. Республикада шоли тайёрлаш режаси муддатидан илгари адо этилди.

Етиштирилган мўл ҳосилнинг ҳар бошоғини асрабавайлаб йиғиб олишга бўлган иштиёқ хирмон баракасини яна ҳам оширди. Режадаги 210 минг тонна устига яна 10 минг тоннадан зиёд шоли давлат омборларига етказиб берилди. 220 минг тонналик шоли хирмони бунёд этилиб, олинган мажбурият ҳам ортиғи билан уддаланди.

Ҳа, бу йил шоли йили бўлди. Деярли барча шоликор хўжаликларда режага қўшимча кўплаб ҳосил топширилди. «Октябрь», «Майёб», Г. Сеитов, Чапаев номли, шоличиликка ихтисослашган «Хоразм» ва «Равшан» давлат хўжаликлари паловбоп гуруч шолиси тайёрлаш режаларини 103—146,3 фоизга етказиб адо этишга муваффақ бўлдилар.

Алоҳида хўжаликларгина эмас, балки йирик-йирик районлар ҳам ғалвирни сувдан кўтарганларида, катта тош босадиган ҳосил ундирганликлари маълум бўлди. Чимбой райони шоликорлари ва механизаторлари 31 минг тонна ҳосил олиб, режани яқиндагина бажаришганди. Бир ҳафтадан сал ортиқ муддат мобайнида режадан ташқари яна 3700 тонна шоли йиғиштириб олинди.

Қатор шоличилик районлари йиллик маррадан анча ўзиб кетдилар. Қўнғирот райони шоликорлари мўлжалдагига қараганда 2362 тонна кўп ҳосил топширишга эришдилар. Кўпчилик хўжаликларда шоли ўриш янчиш ишлари давом эттирилмоқда.

Республика шоликорлари, механизаторлари келгуси йил мўл ҳосилига тайёргарлик ишларини ҳам бошлаб юбордилар. Шу кунларда кузги-қишки ҳозирлик ишлари қизғин.

Ж. ХОЛҚОСИМОВ,
Р. ЕШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози» махсус мухбирлари.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БИЛАН БЕЛАРУСЬ РЕСПУБЛИКАСИ ЎРТАСИДАГИ ДАВЛАТЛАРАРО МУНОСАБАТЛАРНИНГ АСОСЛАРИ ТЎҒРИСИДА

ШАРТНОМА

(Давоми. Боши биринчи бетда).

— корхоналар, бирлашмалар, ташкилотлар, шу жумладан мулкчиликнинг шаклидан қатъи назар қўшма ўзбек-беларусь ва беларус-ўзбек корхоналари ва ташкилотлари;

— якка тартибдаги тадбиркорлар даражаларидаги битимлар билан тартибга солинади.

10-МОДДА

Иқтисодий ва молиявий муносабатлар шу жумладан жаҳон нархлари бўйича ўзаро ҳисоб-китобларга ўтиш муддатлари ва механизмлари, савдо-сотиқ, ўзаро товарлар етказиб бериш ва хизматлар кўрсатиш, тўловлар, нархнаво, қимматли қоғозлар муомаласи тўғрисида, алоқа, юк ташиш ва ахборот айирбошлаш соҳасида ҳамкорлик қилиш масалалари Томонлар томонидан тегишли ҳукуматлараро битимлар билан тартибга солинади. Битимларнинг ушбу рўйхати узил-кесил эмас.

11-МОДДА

Томонлар нарх сиёсатини мувофиқлаштириш ва иккинчи Томонга зиён етказувчи ва издан чиқарувчи бир томонлама иқтисодий чораларни қўлламаслик мажбуриятини оладилар.

12-МОДДА

Томонлар ўз ҳудудларида жойлашган дарё ва ҳаво портлари, темир йўллар, автомобиль йўллари ва қувурлар орқали транзит транспорт операцияларини таъминлайдилар.

Транзит, транспорт операцияларини амалга ошириш шартлари ва тартиби Томонларнинг махсус битимлари билан белгиланади.

13-МОДДА

Томонлар маънавий соҳада бир-бирларини бойитадиган ўзаро муносабатлар учун, ҳар иккала давлат халқларининг анъаналари билан, бир-бирларининг маданият соҳасида эришган ютуқлари билан танишишлари учун зарур шарт-шароитлар яратадилар. Бу мақсадларда давлат идоралари, жамоат ташкилотлари, миллий маданият марказлари, ижодий уюшмалар ўртасидаги алоқалар ва ҳамкорликнинг турли шаклларидан фойдаланилади.

14-МОДДА

Томонлар давлатлараро муносабатларнинг барча бошқа соҳаларида шартномалар ёки битимлар тузиш ҳуқуқини ўзларида сақлаб қоладилар.

15-МОДДА

Томонлар Тошкент ва Минск шаҳарларида мухтор ваколатхоналар очишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайдилар. Ваколатхоналар очиш тартиби ва уларнинг мақоми махсус битимлар билан тартибга солинади.

16-МОДДА

Ушбу Шартнома Томонларнинг учинчи давлатларга нисбатан олган мажбуриятларига ва улар билан шартномалар тузиш ҳуқуқларига дахл қилмайди.

Ушбу Шартнома учинчи томонларга қарши қаратилмаган.

17-МОДДА

Томонлар ушбу Шартноманинг ижросига доир масалалар бўйича заруратга қараб икки томонлама машваратлар ва музокаралар ўтказиб турадилар.

Ушбу Шартномани рўёбга чиқариш мақсадларида ҳамда уни талқин этиш ва бажариш туфайли юзага келиши мумкин бўлган барча баҳсли масалаларни ҳал этиш учун тегишли давлатлараро комиссия тузилади.

Ушбу моддага мувофиқ тузиладиган комиссияни тузиш ва унинг ишлаш тартиби, шунингдек унинг ваколати махсус протоколда белгиланади.

18-МОДДА

Томонлардан ҳар бири ушбу Шартнома ёки унинг айрим моддалари амал қилишининг давом этиши қанчалик мақсадга мувофиқлиги тўғрисида машварат доирасида музокаралар ўтказиш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади.

Ушбу Шартноманинг қоидалари Томонларнинг ўзаро келишувига мувофиқ тўлдирилиши ёки ўзгартирилиши мумкин.

19-МОДДА

Ушбу Шартнома ратификация қилиниши лозим. Ратификация ёрлиқлари Минск шаҳрида айирбош қилинади.

Ушбу Шартнома ратификация ёрлиқлари айирбош қилинган куни кучга киради.

20-МОДДА

Ушбу шартнома ўн йил муддатга тузилади.

Башарти, Томонлардан ҳеч бири бошқа Томонга Шартномани бекор қилиш тўғрисидаги ўз истагини тегишли муддат тугашидан камида олти ой олдин ёзма равишда баён этмаса, Шартноманинг амал қилиш муддати ўз-ўзидан кейинги беш йилга узаяди.

1991 йил 6 ноябрь куни Тошкент шаҳрида икки нусхада ҳар бири ўзбек ва беларусь тилларида тузилди. Иккала матн ҳам бир хил кучга эгадир.

21-МОДДА

Ушбу Шартнома кучга киргач, рўйхатга олиш ва эълон қилиш учун Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Котибиятига йўлланади.

Ўзбекистон Республикаси номидан
Ўзбекистон Республикасининг Президенти
И. КАРИМОВ

Беларусь Республикаси номидан
Белорусь Республикаси Олий Кенгашининг Раиси
С. ШУШКЕВИЧ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУКУМАТИ БИЛАН БЕЛАРУСЬ РЕСПУБЛИКАСИ ҲУКУМАТИ ЎРТАСИДА 1992 ЙИЛДА САВДО-ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК ПРИНЦИПЛАРИ ТЎҒРИСИДА

БИТИМ

(Давоми. Боши биринчи бетда).

3-МОДДА

Томонлар нарх-навони белгилаш соҳасида келишилган сиёсатни ўтказадилар ва ўзаро манфаатларга дахлдор бўлган нархларни бошқариш бўйича биргаликда қарорлар қабул қиладилар, ҳар иккала республика корхоналари ва ташкилотлари томонидан маҳсулотлар (ишлар, хизматларни) етказиб беришни белгилаб қўйиладиган ва шартномавий нархлар бўйича амалга оширадилар.

4-МОДДА

Томонлар ҳукуматлар томонидан бошқариладиган маҳсулотлар етказиб беришнинг корхоналар ва ташкилотлар томонидан бажарилишини маҳсулот етказиб берувчиларнинг манфаатдорлигини ва масъулиятини ошириш учун иқтисодий рағбатларни ва санкцияларни қўллаш йўли билан таъминлашга доир зарур чораларни кўришга, маҳсулот етказиб беришнинг бориши ҳақида давлат статистика органлари орқали ҳар кварталда ҳисоб-китоб олиб боришни ва ўзаро ахборотлар алмашишни ташкил этишда, шартномаларга риоя этмаганлик оқибатида кўрилган зарарларнинг ўрнини қоплаш механизмини ишлаб чиқиш тўғрисида келишиб олдилар.

5-МОДДА

Томонлар ўзаро етказиб бериладиган маҳсулотларнинг қайта экспорт қилинишига йўл қўймаслик ҳақида келишиб олдилар.

6-МОДДА

Томонлар қўшма корхоналарни, жумладан, республикалар ҳудудидан ташқарида жойлашган шериклар билан барпо этишга ёрдам кўрсатадилар. Улуш қўшиш йўли билан янги корхоналарни қуриш ва ишлаб турганларини қайта қуриш, улар қуввати билан ишлаб чиқариладиган маҳсулотларни тақсимлаш шартлари алоҳида шартномалар билан аниқланади.

7-МОДДА

Томонлар икки республика ўртасида амалдаги транспорт алоқаларини сақлаб ва ривожлантириб борадилар. Томонларнинг ташаббуси билан транспорт системаларининг ҳамкорлиги, юклар ва йўловчиларни ташиш, шу жумладан транзит йўли билан, ҳамда нефть, газ, электр энергиясини узатиш тартиблари ўзаро, зарурат туғилган ҳолларда эса — бошқа республикалар ва давлатларнинг иштирокида, тегишли битимлар билан белгиланиши мумкин.

8-МОДДА

Томонлар табиий офатлар ва фалокатлар рўй берган тақдирда ўзаро ёрдамлашиш, табиатни муҳофаза қилиш соҳасида, шу жумладан Чернобиль АЭСидаги авария ва Орол денгизи қуриши оқибатларини бартараф этишга қаратилган чораларни амалга оширишда алоҳида биргаликдаги ишларни маблағ билан таъминлаш тўғрисида келишиб олдилар.

9-МОДДА

Томонлар ишчилар, мутахассислар ва илмий-педагогик кадрларни тайёрлашда ва қайта тайёрлашда ёрдам кўрсатиш хусусида шартлашиб олдилар. Шу мақсадларда Ўзбекистон Республикаси ва Беларусь Республикасининг олий ва ўрта махсус ўқув юртларида, илмий марказларида ҳар йили квоталар ажратиш, шунингдек, етакчи саноат корхоналарида ишчи кадрларни тайёрлаш ва стажировкадан ўтказиш назарда тутилади.

10-МОДДА

Томонлар 1992 йилнинг 1 январигача республикаларнинг вазирликлари ва идоралари томонидан иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорликнинг ўзаро манфаатли бошқа йўналишлари бўйича шартномалар, битимлар ва протоколлар тузишни таъминлаш мажбуриятини олдилар.

11-МОДДА

Томонлар ушбу битимни амалга ошириш жараёнида хўжалик субъектлари ўртасида пайдо бўладиган баҳсли масалаларни ва келишмовчиликларни кўриб чиқиш учун иккала томоннинг тенг сонли вакилларидан иборат бўлган вақтинчалик ҳукуматлараро комиссияси тузишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайдилар.

12-МОДДА

Ушбу битим имзоланган кундан бошлаб кучга киради ва 1992 йил 31 декабргача амал қилади.

Битим ўзбек ва беларусь тилларида икки нусхада тузилди ва 1991 йилнинг 6 ноябрида Тошкент шаҳрида имзоланди. Матнларнинг иккаласи бир хил кучга эгадир.

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати номидан
Ўзбекистон Республикаси вице-президенти
Ш. МИРСАИДОВ

Беларусь Республикаси ҳукумати номидан
Беларусь Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари
В. ЗАЛАМАЙ

ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛАРИНИНГ МАЖЛИСИ

Москвада СССР ташқи ишлар вазири Б. Д. Панкин раислигида СССР ва суверен давлатлар ташқи ишлар вазирлари кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Б. Д. Панкин СССР Давлат Кенгашининг мажлисида 4 ноябрь куни СССР Ташқи ишлар вазирлигининг, чет эллардаги Иттифоқ дипломатия ва консуллик ваколатхоналарининг фаолиятини тубдан қайта қуриш тадбирлари кўриб чиқилганлиги, бунда Иттифоқнинг ва мустақил давлатларнинг манфаатлари ҳисобга олинганлиги ҳақида ахборот берди.

Йил охиригача Ташқи ишлар вазирлари кенгаши доирасида Иттифоқнинг ва республикаларнинг турли соҳалардаги ташқи иқтисодий алоқалари масалалари юзасидан бир қанча кенгашлар ўтказиш режалаштирилди.

Мажлисда Г. М. Садихов (Озарбайжон), А. Е. Егиазарян (Арманистон), В. Л. Сенько (Беларусь), А. Х. Аристанбекова (Қозоғистон), М. У. Саралинов (Қирғизистон), А. А. Крижановский (Молдова), А. В. Козирев (РСФСР), Л. Қ. Қаюмов (Тожикистон), А. О. Қулиев (Туркманистон), М. М. Ориф-жонов (Ўзбекистон), А. Д. Бутейко (Украина) қатнашдилар.

● ФАРҒОНА. «Одил» кичик корхонасида ҳар куни 8—10 метр юксак сифатли хон атлас ишлаб чиқарилмоқда. Бу ерда жами 60 киши ишлайди. Қўлда атлас тўқувчилар келгусида ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун ҳаракат қиляптилар. Бу эса келажакда бошқа тўқув маҳсулотлари, шу жумладан гилам ишлаб чиқариш имкониятини яратади.

СУРАТДА: уста Хошимжон Шамсиддинов ва тўқувчи Моҳира Отаназарова маҳсулот сифати хусусида фикрлашмоқда. Ф. НАЗИРОВ (ЎзТАГ) олган сурат.

Навбатдан ташқари сессия

ҚАРШИ. («Ўзбекистон овози» мухбири). Бу ерда 21-чақириқ халқ депутатлари Қашқадарё вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари 10-сессияси бўлиб ўтди. Унда халқ депутатлари вилоят Кенгашининг таркибий тузилиши тўғрисидаги масала муҳокама қилинди. Вилоят Кенгашининг раиси Т. Ҳидиров доклад қилди.

Сессияда маҳаллий кенгашларнинг таркиби тўғрисида тушган таклифларни Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши муҳокамасига ҳавола қилиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Сессияда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 143-моддасига биноан вилоят Кенгаши раисининг янги ўринбосари лавозими жорий этилди. Илгари вилоят партия қўмитасининг иккинчи котиби бўлиб ишлаган О. Д. Пармонов вилоят Кенгаши раисининг ўринбосари этиб сайланди.

Навбатдан ташқари сессияда муҳокама қилинган масалалар юзасидан қарорлар қабул қилинди.

ОЗУҚА СЕРОБ БЎЛСА

Муборак районидаги «ВЛКСМ 60 йиллиги» давлат хўжалиги чорвадорлари гўшт тайёрлаш режасини муддатидан илгари уддаладилар. Давлат қабул пунктига 80 тонна ўрнига 82,5 тонна гўшт топширилди. Гўштга топширилган ҳар бир новвоснинг тирик вазни ўртача 350 килограммга тўғри келди.

Хўжалик бўрдоқибоқарлари гўшт етиштиришни келгуси йилда янада кўпайтириш учун етарли миқдорда озуқа жамғардилар. Жумладан, уч минг тонна сенаж ва силос бостирилди. 1131 тонна дағал хашак тайёрланди.

«Ўзбекистон овози» мухбири.

● АНДИЖОН бадиий буюмлар фабрикаси бир йилда уч миллион сўмга яқин фойда олади. Ана шу фойданинг асосий қисми ишлаб чиқаришни кенгайтиришга, янги биноларо қуришга ишлатилади. Бундан ташқари тежалган маблағ жамоанинг ижтимоий эҳтиёжларини қондиришга хизмат қилади. «Қарс—икки қўлдан...» деганларидек, жамоа ҳам ғамхўрликка жавобан баракали меҳнат қилмоқда.

СУРАТДА: чеварлар Муҳаббат Қорабоева (чапда) ва Одина Ҳасанова ўзаро маслаҳатлашишмоқда.

Ш. АЛИМОВ (ЎзТАГ) олган сурат.

ТАРИХ БИЗ УЧУН САБОҚ

ЕКИ ОКТЯБРЬ ИНҚИЛОБИНИНГ 74 ЙИЛЛИГИ АРАФАСИДАГИ БАЪЗИ МУЛОҲАЗАЛАР

Мамлакат календарида «Қизил сана»лар анчагина. Бироқ шу саналар ичида Иттифоқ халқлари учун 73 йил ардоқли бўлиб келган — Октябрь инқилобининг қутлуғ байрам сифатида нишонланиши эди.

Дарҳақиқат, бу байрам бизда ҳам тантанали нишонланар, ҳарбий парад, меҳнаткашлар намойишлари, байрам мушакбозлиги бўлиб ўтарди. Дарвоқе, бу гапларни ўтган замон феълида айтишимнинг боиси бор. Чунки бу йилдан бошлаб Октябрь инқилоби санаси жамҳуриятимизда байрам сифатида мажбурий нишонланмайди.

Хўш, нега шундай бўлиб қолди? Бугунги кунда ушбу сана ўз тарихий қимматини йўқотиб қўйдими? Эндиликда уни байрам сифатида нишонлаш керакми? Умуман, Октябрь инқилобининг мамлакат, шу жумладан Ўрта Осиё халқлари учун тарихий аҳамияти нималардан иборат?

Албатта, тарихга баҳо бераётганда ўта холис бўлиш керак. Мен бунга яқинда **Октябрь инқилоби номидаги Тошкент тепловоз ремонти заводида** бўлганимда яна бир карра ишонч ҳосил қилдим. Корхонадаги ишчи-хизматчилар Октябрь инқилоби, уни байрам сифатида нишонлаш, 1917 йилги инқилобнинг улар учун аҳамияти ҳақида хилма-хил фикр-мулоҳазалар билдиришди.

— Мен ўтмишда содир бўлган воқеаларнинг яхшиси ҳам, ёмони ҳам авлод-аждодларимизнинг тарихи деб ҳисоблайман, — дейди тепловоз цехи ишчиси Турсунбой Солихов. — Шу боис тарихнинг биз учун энг оғир ва қадрли бўлган саҳифаларига бирваракайига қора бўёқ чаплаб ташлаб бўлмайди. Мамлакатимиз халқларининг Октябрь инқилобидан кейинги тарихига ҳам ана шундай нуқтаи назардан ёндашган маъқул.

— Биласизми, Туркистон ўлкасидаги инқилобий ҳаракатларга тайёргарлик айнан бизнинг заводимиздан бошланган, — дейди таъмирлаш-бутлаш цехи ишчиси Александр Верешак. — Худди шу ердан 1917 йилнинг 28 октябрида шаҳар бўйлаб қуролли қўзғолонга чорловчи гудок янграган. Октябрь инқилоби бизга ана шу тарихий фактлар билан ҳам қадрли.

— Илгари ушбу санани жуда тантана билан нишонлар эдик. Байрамга ҳар хил тадбирлар уюштирилар, мусобақа ташкил этилиб, илғорларга мукофотлар бериларди. Бу йил 7—8 ноябрда ҳам бизнинг цехда иш бўлади. Бунинг боиси бор. Биз ҳозирги иқтисодиётнинг оғир шароитида тепловозларни тезроқ таъмирлаб беришимиз керак. Тўғри, гап байрамда эмас, гап унинг биз учун қандай аҳамият касб этишида. Халқимизнинг яшаш тарзига қараб ҳаётимизнинг ўтган даврига баҳо бериш мумкин. — Бу ремонт-техника цехи ишчиси Олимжон Зокировнинг фикри.

— Бугунги кунда тарихни билиб-билмасдан қора қилиб кўрсатишга ва бунда муайян сиёсий гуруҳлар ёки шахслар манфаатларига мослаб талқин этишга уринишлар бўляпти, — дейди завод касаба уюшмаси қўмитаси раиси Валентина Жданова. — Айниқса, бу ҳол минтақаларда эмас, марказда рўй бераётганлиги ачинарлидир.

Тўғри, тарихга ва айрим шахсларга бир ёқлама муносабат қайта қуришнинг дастлабки йилларида бизнинг жамҳуриятимизда ҳам кўриниш берди. Шароф Рашидовдек ўз халқи учун бениҳоя меҳнати синган раҳбарларга туҳмат тоши ёғдирилди. Ачинарлиси, бориб-бориб бу ғайриқонуний ишларга йўл очиб берган айрим раҳбарларнинг ўзлари ҳам сиртмоққа тушиб қолдилар.

Эсимда. 70-йилларда Шароф Рашидович заводимизда бўлиб, ишчиларимиз ҳаёти билан қизиққан. Айниқса, темирйўлчиларнинг уйжой шароитига эътибор қаратганди. У киши завод ишчи-хизматчилари учун уйжой шаҳарчаси қуриш масаласини СССР Темир йўллар вазирлиги мутасаддилари билан гаплашиб, ҳал қилиб бергандилар. Темирйўлчилар уй-жой шаҳарчаси муддатида қуриб битказилганди.

Мен буни нега айтяпман. Инсон хотираси билан тирик дейишади-ку, ахир. Халқ хотирасида эса бу шахсга нисбатан илиқ таассуротлар қолган. Умуман, инсон тарихимиз йўқ деса, кеча туғилгандай бўлиб қолади. Шу боис, ўтмишга ҳеч қандай либос кийдирмасдан, ўзи қандай бўлса шундайлигича қабул қилиш лозим.

— Менимча, Октябрь инқилобидан кейинги тарихимиз биз учун аччиқ сабоқ бўлиши керак. Зотан, бу даврнинг баҳоси халқимиз учун анча қимматга тушди, — дейди ишчи Баҳодир Бурҳонов. — Тўғри, жамҳурият мустақиллиги эълон қилинган бир шароитда буларнинг бари ортда қолди. Лекин истиқлол йўлида ҳали бизни кўп қийинчиликлар, оғир синовлар кутмоқда. Биз ҳаммамиз ҳамжиҳат бўлиб бирлашсаккина, бу синовларни енгиб ўтишимиз ва неча йиллардан буён орзу қилган ҳақиқий мустақилликни мустаҳкамлашга эришишимиз мумкин.

Энди Октябрь инқилобига келсак, уни тарихий сана сифатида қолдириш керак. Чунки неча-неча кишилар инқилобий ғоялар деб бутун умрини, куч-қувватини шу ишга бахшида этишган. Уларнинг хотирасини эслаш биз, фарзандлар учун ҳам қарз, ҳам фарз.

* * *

Тепловоз ремонтчилари бугунги кун ташвишлари орасида кечаги тарихни унутиб қўймаётганликлари, қайтанга ўтмишнинг аччиқ ва шифобахш сабоқларидан зарурий хулоса чиқариб олаётганликлари мени қувонтирди.

Жумҳуриятимиз Президенти Ислом Каримов яқинда Ўзбекистон Халқ-Демократик партиясининг таъсис қурултойида тарихга муносабат ҳақида сўзлаб, шундай деди: «Биз ўз тарихимизни жуда яхши, пухта билишимиз ва ҳурмат қилишимиз керак. Тарих биз учун сабоқ бўлиши зарур. Зероки, тарихни чуқур идрок этсак, эски хатоларни ҳеч такрор қилмаймиз. Аксинча, ўзимизнинг бугунги кунимиз ва келажагимизни тўғри белгилаб олиш имкониятига эга бўламиз».

Ҳақ гап. Ўтмишни қоралаш билан аҳволимиз ўзгариб қолмайди. Шу билан бирга биз ўтган 70 йилдан кўпроқ давр мобайнида амалга оширилган муайян хайрли ишлардан ҳам кўз юмолмаймиз. Чунки бу ишлар халқларнинг иродаси билан рўёбга чиққан. Шу боис эндиликда тараққиёт сари интилишимизда босиб ўтилган йўлга назар ташлаш билан бирга, яратувчилик ишларини ҳам кучайтиришимиз керак.

А. БОЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

• МИНТАҚАДАН НИГОҲ

РИЗҚ-РЎЗ ВА СИЁСАТ

Ўзбекистонни яқин кунларда ҳам «оқ олтин» ўлкаси деб кўкларга кўтаришарди. Бу ерга келган меҳмонлар, шу жумладан журналистлар ҳам юртдошларимнинг кўнгилчанлиги ва меҳмондўстлиги ҳақида сўз юритишарди-ю, лекин дастурхонга қўйилаётган нонинг бир бурдаси, мазали паловнинг ҳар бир ошами қандай машаққатлар эвазига насиб этаётганини кўпчилик сезмасди ҳам... Шунинг учун бўлса керак, меҳмондўстликни ҳам унутиб, «ўзбек иши» деб аталмиш нарса орқали ўз номини чиқаришга шошилиб қолганлар ҳам топилди. Бу ҳақоратомуз сўзлар бутун бир халқни бадном қилиши мумкинлиги ҳақида улар бир зум бўлса ҳам ўйлаб кўрганлари йўқ. Баъзи бировлар Орол фожиасини тасвирлар эканлар, андишасизлик қилишгача борib етдилар: бу борада ҳам ўзбекларни айбдор қилмоқчи бўлдилар. Ваҳолонки, бу заминда етиштирилаётган арзон пахта бутун Иттифоққа етказиб бериларди... Энди бўлса «тоталитар режим» ҳақида гапириш одат тусига кириб қолди — бизларни ижтимоий-сиёсий вазият барқарорлиги учун... танқид қила бошладилар.

Афтидан, тарафкашлик тусида ёзилаётган мақолаларнинг муаллифлари Ўзбекистондаги ҳамма воқеаларни Россия намунаси (яна намуна, намуналар —жонга тегмадимикин?) асосида жадаллаштиришга ундамоқчи бўладилар. Ҳатто шунгача бориб етдиларки, гўё жамҳуриятнинг раҳбарлари мустақиллик эълон қилиш билан бу ерда мавжуд режимни сақлаб қолиш мақсадини кўзлаган эмишлар! Бу мақолаларнинг муаллифлари, назаримда Шарқнинг тарихий анъаналаридан, ўзбек халқининг қадриятларидан бехабарга ўхшайдилар. Чиндан ҳам бизларда чавандоз яхши чавандоз отни кейин чоптириб, маррага олдин етади, деган ҳикматга амал қилиб, масалаларни пухта ҳал этишда ҳеч шошилмайдилар.

Масалан, айтайлик, иқтисодиётдаги «бозор жазаваси» ёмонлиги ёки яхшилиги учун эмас, балки бизларда шароит мутлақо бошқачалиги учун ҳам жамҳуриятимизга тўғри келмайди. Қўл учида кун кўриб, рўзғорини зўрға тебратиб турган минглаб кўп болали оилаларнинг павловча тажрибаларидан кейиноқ бардоши тугади, ҳаддан ташқари инфляцияга эса улар асло дош беролмайдилар.

Парламентдаги қизғин тортишувлар чоғида эса кўплар халқ жўжани кузда санашга ўрганганини унутиб қўймоқда.

Олис қишлоқлардан бирига бир гуруҳ лекторлар келишди. Дала шийпонида чойхўрлик қила туриб, деҳқонлардан «катта» сиёсат ҳақида, демократик ҳаракат хусусида, КПСС фаолияти тўхтатиб қўйилганлиги ҳақида нималарни ўйлаётганликларини сўрай бошладилар. Суҳбатдошлар меҳмонларнинг кўнглини оғритиб қўймайлик деб (бизда: «Меҳмон — атойи худо», — дейишади) тараддудга тушиб қолдилар. Шунда этигини чанг босган, ёғи чиқиб кетган дўппи кийган бир деҳқон шундай деб тан олди: «Биз бу ҳақда нима ҳам дея олардик, бизларни кўпроқ ун топиш, нимадан нон ёпиш, рисқ-рўз қизиқтиради».

Ўзбекистонда юзага келаётган аниқ шароитни, бутун иқтисодий вазиятни ҳисобга олиб, юз бераётган воқеалар ҳақида пухтароқ ўйлаб кўрилсагина кўп нарса ойдинлашади. Бу ерда иш ташлашлар бўлмаётганлиги, стачкалар қилинмаётганлигига сабаб — «демократия етишмаслиги» ёки кўрқув эмас. Бунинг сабаби — бутунлай бошқа нарсада. Бунёдкорлик меҳнати учун шароит яратишга зўр берилмоқда. Бунда Совет ҳокимияти даврида қўлга киритилган фойдали нарсалардан юз ўгирилмаяпти.

Менинг фикримча, жамҳурият Компартиясига баҳо беришда ҳам холис фикр ҳукмрондир. Тўғри, кимлардир унга ҳам фавқулодда ҳолат давлат комитетига ёрдам қилган деган ёрлиқни ёпиштирмоқчи бўлмоқдалар. Аслида қандай бўлган эди? Аввал-бошданоқ тўнтариш ташкилотчилари ҳаракатидан ажралиш, уларга мустақил жамҳурнятда фавқулодда ҳолат жорий қилиш имконини бермаслик масаласи кескин равишда кўндаланг бўлди. Бу машъум кунларда, одатдагидек коммунистлар билан партиясизлар яна ҳам кўпроқ жипслашиб, ҳар қандай экспансияга, мустақилликка хавф солинишига йўл қўймаслик ҳаракатини қилдилар. Айни шу кунларда жумҳурият Президенти ФҲДК фармойишлари Ўзбекистон Конституциясига ҳамда бу ерда қабул қилинган ҳуқуқий нормаларга зид бўлгани учун уларни ғайриқонуний деб ҳисоблаш тўғрисида фармон чиқарди. Айрим «танқидчилар» ўзларини нечундир бу ҳаракатларни сезмаганга олмоқдалар?

Жумҳуриятда катта ўзгаришлар ҳеч бир шовқин-суронсиз амалга оширилаётгани, кўпминг кишилик митинглар ва тўқнашувлар бўлмаётгани кимлargадир ёқмаётганга ўхшайди. Зотан, иғвогарлик йўли билан шунга интилишлар ҳам бўлмоқда. Менимча, иҳтилоф ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг шижоати билан эмас, ҳукуматимизнинг етти ўлчаб, бир кесиб қўйган қадами орқали бартараф қилинди. Масалан, нарх-навони оширишга тайёргарлик кўрилаётгани маълум бўлиши билан, жамҳуриятда халқни, айниқса, кўпчиликни ташкил этувчи қишлоқ аҳолисини ҳимоя қилиш йўлини ўйлаб топиш учун олдиндан ҳаракат қилинди. 1989—1990 йилларнинг ўзида 183 минг гектар суғориладиган ер деҳқонларга шахсий фойдаланиш учун бўлиб берилди, бу йил эса 100 минг гектардан зиёд ер тақсимлаб берилди. Ер берилиши, қорамол ва қўй-эчки берилиши, улар ем-хашак билан таъминланиши кишилар олдинда турган оғир кунларга ҳозирлик кўришида ёрдам берди.

Бундай шароитда дабдурустдан иш кўриш, айтайлик, жамҳуриятлар бозор иқтисодиётига тенг бўлмаган шароитларда ўтаётганликларини ҳисобга олмаслик мумкинмиди? Жумҳурият Президентининг Америка ахборот агентлиги — «Ассошиэйтед пресс» мухбирига берган интервьюсидан бир иқтибос келтириш ўринли деб ўйлайман. («Известия» рўзномасида бу интервью «эркин» баён этилгани учун ушбу сатрлар қисқартириб юборилган): «Ўзбекистон — СССРдаги йирик, лекин у энг камбағал жамҳуриятдир. Унинг йиллик даромади жон бошига ҳисобга олганда 1200 сўмни ташкил қилади, бу мамлакатдаги ўртача кўрсаткичидан икки баравар камдир».

Ўзбекистонда кўп болали оилалар анчагина бўлиб, улар тангликни оғир ўтказмоқдалар. «Оқ олтин» ўлкаси деган жарангдор сўзлар ортидаги аҳвол бутунлай бошқача. Рақамларнинг гувоҳлик беришича, жумҳуриятда жуда кўпчилик гўшт, сут ва бошқа маҳсулотларни, ҳатто ҳўл меваларни ҳам оз миқдорда истеъмол қиладилар. Устига-устак касалхоналар, мактаблар етишмаслигини, аҳоли кўпайиб кетган минтақалардаги ишсизлик эътиборга олинса, бундай шароитда иқтисодий дастурни танлаш нечоғли қийинлигини тушуниш мумкин. Шунга қарамай парламент белгилаб берган аҳолининг кам таъминланган қисмини ижтимоий жиҳатдан фаол ҳимоя қилишга қаратилган механизм ишга тушириб юборилган.

Тарафкашлик мавқеида турганлар эринчоқлик қилмасдан, ушбу дастурга дурустроқ назар ташласалар, у қандай бажарилаётгани билан қизиқсалар чакки бўлмасди. Қаёқда дейсиз, бунга вақтлари бўлармиди, уларнинг! Шундай бўлгач, уларга қарата муҳтарам ҳамкасблар, ҳукм чиқариш эмас, тушуниш пайти келгандир энди, деб савол бергинг келади.

Масалан, Ўрта Осиё ва Қозоғистон жумҳуриятлари президентларининг август ойида бўлиб ўтган учрашувлари ижобий аҳамиятга эга бўлди. Бозорга ўтиш даврида ижтимоий кескинликни пасайтириш, кишиларнинг турмуш даражасини ошириш йўллари биргаликда изланмоқда. Иттифоқ шартномасига асос тайёрланмоқда. Бундай ёндашувлар натижасида миллатлараро кескинлик ҳам пасаймоқда. Жумҳуриятда тузилган шахсий хўжаликлар эгалари, бошловчи фермерлар уюшмаси кўплаб кишиларнинг манфаатларига жавоб беради. Маҳсулотни қайта ишлашни йўлга қўйиш чоралари кўрилмоқда, бу эса деҳқонларга қўшимча даромад олиш имконини беради. Ишбилармонлар уюшмасига ҳам ёрдам берилмоқда.

Хуллас, минтақа учун барқарорлик қуруқ гап бўлиб қолаётгани йўқ. Фарғона ва Ўшдаги қонли воқеалардан кейин бунга эришиш жуда ҳам қийин бўлди. Сиёсий «қозон» қайнаб тошмаслиги учун жумҳуриятда кўп иш қилинмоқда. Оч қорнинг сассиқ саримсоқ деганларидек, «катта сиёсат» ҳақида, демократиялаш ҳақида оғиз кўпиртириш бир чақага ҳам арзимаслигига кишилар тобора кўпроқ ишонч ҳосил қилмоқдалар. Ҳозир иқтисодиётни мустаҳкамлаш йўлида аниқ қадамлар қўйиш жуда муҳим, бунинг учун эса муқим ҳокимият зарур. Бундай ҳокимият халқаро муносабатларимизни, шу жумладан Ғарб мамлакатлари билан ҳам муносабатларимизни йўлга қўйиш учун асқотади. 50 та қўшма корхоналар қурилди, Швейцарияда савдо ваколатхоналари, Германия ва АҚШда ахборот ва маслаҳатлашув марказлари очилди. «Тошкент» савдо ва товар биржаси ҳам ривож топиб бормоқда. Бизнинг ишбилармон одамларимиз узоқ юртларга бормай, чет эл фирмачилари олдида бош эгмай 500 миллион долларлик инвестиция тўғрисида битим тузишга эришдилар. Таассуфлар бўлсинки, вазиятнинг бундай барқарорлиги баъзи бировларга ёқмаётган кўринади. Улар ўзларини қўярга жой тополмай «янги рашидовчиликда» айблашга зўр бермоқдалар.

«Янги рашидовчилар» ким бўлди экан? Айтайлик, мени ҳам шулар жумласига киритиш мумкин. Жумҳуриятимизда шундай бир пайт бўлдики, Рашидов даврида озми-кўпми бирон мансабни эгаллаб турган ҳар қандай одамнинг бошига оғир гуноҳлар ағдарилди, улар ишдан олиндилар, қувғин қилиндилар. Менинг фикримча, бугунги кунда раҳбарлар анкетага қарамай тўғри иш қилмоқдалар.

Айримлар эса масалани бутунлай бошқача ҳал қилгилари келмоқда. Эски «аппаратчимисан» — шунинг ўзи кифоя. Нечоғли ақлли бўлсанг ҳам энди сенга йўл йўқ. Ўтмишга тош отиб, ўз бисотидан «байналмилал» сўзини итқитиб ташлаган одамларнигина кўтаришга ҳаракат қилинди. Кўпмиллатли Ўзбекистонда аксарият одамлар уларнинг тарафини олмаса керак, деб ўйлайман.

Кимдир, ушбу сатрларни ўқиб, «И. Каримов режими»нинг тарафдори деган фикрга келиши мумкин. Бироқ ҳозир гап фақат шундами? Муайян вазиятни ҳисобга олсаккина, муайян муаммоларни билсакгина, ишончсизликка барҳам берсаккина, ҳам эскича, ҳам янгича афсоналардан ҳалос бўлишимиз мумкин. Президентни ҳам танқид қилиш мумкин. Бироқ, у бугунги кунда халқ ишончини қозонди. Бу катта гап! Зотан, ўзбек мақолида айтилганидек, «Халққа суянсанг тўласан, халқдан чиқсанг, сўласан».

Рустам ШОҒУЛОМОВ.
Тошкент шаҳри.

(Қалам ҳақиқий «Правда» рўзномасини қўллаб-қувватловчи жамғармага ўтказишингизни сўрайман).

(«Правда», 2 ноябрь 1991 йил).

НУҚТАИ НАЗАР

ПАРДА ОРАСИДАГИ МАҒИЗ

Бундан бир юз олтмиш беш йил муқаддам, 1826 йилда, Россия Фанлар академияси Россия ва Ғарбий Европа олимларига Россиянинг мўғуллар томонидан истило қилинишининг оқибатлари тўғрисида уч йил муддат ичида бир илмий асар ёзиб тақдим қилишни таклиф этган ва муваффақиятли чиқадиган асарга юз червон миқдорида мукофот тайинлаган эди. Шу мавзуда ёзилиб, муддатида тақдим этилган рисолалар орасида ҳайъат томонидан ижобий баҳо беришга арзийдиган асар топилмаган. Орадан олти йил ўтгач, Фанлар академияси Шарқий Европанинг мўғуллар томонидан истило этилиши масаласини ишлаб чиқишда қатнашишни яна таклиф қилган, шу билан бирга мавзунинг ўзини кенгайтирган ва мукофот миқдорини оширган.

Мен бу далилни бежиз келтираётганим йўқ, негаки, республикамиз мустақилликка эришгач, биз эндигина рўй-рост гапиришга, кеча йўл қўйилган нуқсонларимизга ва ниҳоят парда орасидаги маҳзни кўра билишга ўрганяпмиз. Бир юз йигирма беш йилдан бери оқни қора, яхшини ёмон деб, одамларнинг қўйнини пуч ёнғоққа тўлдириб келган дамларимизни ҳис этайлик. Чор Россияси томонидан босиб олинган, таланган заминимиз бағри ва бу йўлда қурбон бўлган аждодларимиз руҳи олдида пок бўлайлик. Тарих варақларини бўяб-бежамай, бир халқни устун қўйиб, уни беҳуда офаринлар бағрига кўмишни, иккинчи бир халқ қисматини камситиб, ўтмишдан кўз юмишни бас қилайлик. Модомики шундай экан, юз эллик йиллик тарихимиз саҳифасини қора қурумлардан тозалашнинг вақти етди! Бу борада республика Фанлар академияси чор Россияси истилосининг оқибатлари тўғрисида ёзиладиган ҳаққоний асарга катта мукофот таъсис этса қандай яхши эди! Ана шу тарихимизни одилона ва оқилона ёза олган муаллиф ҳар қандай мукофот ва эъзозга лойиқдир. Бу мустақил жумҳуриятимиз олдидаги муқаддас вазифалардан бири бўлиши керак ва шарт!

Биз шундай қилолдикми? Афсуски, саҳоватпешалигимиз туфайли кўп бойлигимизни бой бердик. Жаннатмакон заминимиз топталди. Уйимиз тўрини бутунлай эгаллаб олишди.

Ҳа, шундай! Ўзбекистонимиз мустақилликка эришгач, парда орасидаги маҳзнинг ўзини рўй-рост айтиш ҳуқуқи туғилди. Лекин, афсус тарихимизни хас-хашакдан тозалаб улгурганимизча йўқ. Бу қутлуғ ва муборак юмушни адо этиш «Ўзбекистон овози» рўзномаси қаламкашлари ва минглаб муштарийларнинг фаоллигига ҳам боғлиқ.

Муштарий рўзнома таянчи, унинг дил сўзларига ҳамоҳанг мавзуларни саралаш ва бериш бизнинг зиммамизда. Лекин ҳамиша ҳам унинг эътиборини қозоняпмизми? Ҳаяжонли, дилга сурур бахш этувчи, баъзан ўйлатувчи мақолалар ёритяпмизми? Фан оламининг барча жабҳаларини қамраб оляпмизми? Тиббиёт муаммолари-чи? Мактаблар, болалар боғчаларининг шароити қандай? Олий ва ўрта махсус ўқув юртлари сизнинг, бизнинг ёрдамимизга муҳтож эмасми?

Бўлимимизнинг келгуси йил режаси кенг-кўламли. Бугунги кун талабларига мос. Даврбилан ҳамоҳанг мақолалар тайёрлаш, фан, маданият ва халқ таълимининг муаммоларини дадил кўтариш ниятимиз бор. Бунинг учун асосий иш, азиз муштарийлар, Сизларнинг зиммангизга тушади. Сиз ўз соҳангизнинг билимдони, яъни академиги саналасиз. Шундай экан, ўз соҳангиз ютуқлари, изланишлар, муаммолар ва бу борада йўл қўйилаётган нуқсонларни яхши биласиз. Шу сабабли сўзни аввало Сизга берамиз деган умиддамиз.

Республикамиз мустақилликка қадам қўйган йилда Ўзбекистон халқлари тарихини ўқитиш, жумҳуриятимиз олий ўқув юртлари, мактабларида бу фанга алоҳида эътибор бериш бўйича қатор мақолалар бердик. Жумҳурият Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълими вазирликлари рўзномамизда кўтарилган муаммоларни ўз вақтида кўриб чиқди ва бу долзарб вазифаларни адо этишга киришди.

Шундай қилиб, 1991 ўқув йилидан бошлаб Халқ таълими вазирлигининг барча педагогика олий билимгоҳлари, билим юртлари, техникумлари ва мактабларида «Ўзбекистон халқлари тарихи» мустақил фан сифатида ўқитиляпти. Ўқув юртларининг сиртқи, кечки бўлимларида ҳам бу фанни ўқитиш мўлжалланган. Ҳар учала ўқитиш турида имтиҳонлар, курс ва диплом ишлари, контроль ишлар бажарилади.

Жумҳуриятимиз умумтаълим мактабларида бу фаннинг ўқитилишига 153 соат белгиланган. Ушбу режа 1991—1993 йилларда босқичма-босқич амалга ошириб борилади.

Демак, рўзномамизнинг 1991 йил учун белгиланган режаси деярли амалга ошди. Аммо бу билан ҳаракат тўхтаб қолмайди. Тўғрисини айтганда «Ўзбекистон халқлари тарихи» фани бўйича ҳалигача тўлақонли дарслик яратилмади. Хуллас Республикамизнинг бой ва тўла тарихи ҳали ўрганилганича йўқ. Биз кечаги кунимизга ойдинлик киритишимиз керак. Турли бўҳтонлар, ёлғонлар ёғдириб ташланган саҳифалар, дарсликлар, қўлланмалардан ҳоли бўлиши биз учун ҳаракатимизга боғлиқ. Бу борадаги изланишларни давом эттиришимиз, даврмизга ҳамоҳанг дарсликлар, қўлланмалар ва дастурлар ёзилишига кўмаклашишимиз зарур.

Бўлимимизнинг келгуси йил иш режасида тарихимизнинг ҳали кўпчиликка номаълум саҳифалари ҳақида ҳикоя қилувчи мақолалар ўрин олиши аниқ. Бунинг учун билимдон, иқтидорли ва фидойи кадрлар керак. Жумҳуриятимиз Президенти И. Каримовнинг ташаббуси билан кўплаб ёшлар билим олиш, тажриба ўрганиш учун хорижий элларга юбориляпти. Биз бу ташаббусни қўллаб-қувватлаган ҳолда, уларнинг билим олишлари, изланишлари ва мураббийлари ҳақида ҳикоя қилиш ниятимиз бор.

Ёшлар — келажагимиз, деб лоф урган дабдабали сўздан амалий ишга ўтишнинг пайти келди. Мустақил Ўзбекистонимизнинг эртаси худди шу ёшларга боғлиқ. Биз фарзандларимизни маънавий юксак қилиб тарбиялаяпмизми? Ёинки, Ғарб маданиятининг қулига айланиб қоляптимиз? Ёшларимизнинг маънавияти, юксак ахлоқ-одоби, билими, бу борадаги изланишларигина эртамизнинг нурафшонлигига умид уйғотади.

Мактаб, болалар боғчаси муаммоларини айтмайсизми. Ютуқларимиз кўп, шу билан бирга нуқсонларимиз ҳам йўқ эмас. Айрим хўжаликлар, корхоналар бозор иқтисодиётига ўтилаётганлигини рўкач қилиб, биз учун қутлуғ даргоҳ — мактабларга ҳомийлик қилишдан, янги мактаб биноларини қуришдан бош тортмоқдалар, оталиқ ташкилотлари ўз шартномаларини адо этишмаяпти. Билим сифати тобора пастлаб бормоқда. Олий ўқув юртларига имтиҳон топширган олтин ва кумуш медалли ўқувчиларнинг ҳам ўтаолмаётганлиги ачинарлидир. Медаль обрўсини, ўқитувчининг обрўсини янада кўтариш пайти келди!

Тиббиёт ва экология муаммоларини кенг ёритиш асосий режаларимиздан биридир. Атоқли олимлар ҳақида илмий очерклар, уларнинг лабораторияларидан репортажлар, изланишлар маҳсули хусусида мақолалар бериш ниятимиздир.

1992 йилда қиладиган ишларимиз кўп. Бу режаларни беками кўст адо этиш Сиз азиз муштарийларнинг фаоллигингизга ҳам боғлиқ. Сўзни кўпроқ Сизларга берамиз. Шундагина тарихимизнинг юзи ёруғ, йўли эса ойдин бўлади.

Мирзакарим ПИРМАТОВ,
«Ўзбекистон овози» рўзномаси фан, маданият ва халқ таълим бўлими мудири, таҳрир ҳайъати аъзоси.

ҚУЛНИ БЕРИНГ, ЖАҲОНДАГИ ШЕРИКЛАР

●

ЎЗБЕКИСТОН—ХИТОЙ ҲАМКОРЛИГИ

Бозор иқтисодиёти шароитида хорижлик ишбилармонлар билан алоқаларни кенгайтириш замон талабига айланмоқда. Яқинда шу мақсадда Наманган вилоят саноат корхоналари вакилларидан бир гуруҳи Хитой Халқ Республикасида бўлиб қайтишди. Улар бу ерда ўзаро ҳамкорликда қўшма корхоналар очиш юзасидан музокаралар олиб боришди.

Сафар давомида Уйчи ипакчилик, аврли газламалар ишлаб чиқариш бирлашмалари ҳамда Наманган машинасозлик заводи вакиллари Хитойдаги бир қатор саноат корхоналари фаолияти билан танишишди. Наманганликларни айниқса газламаларни бўяш технологияси, сунъий тола ва сочиқ ишлаб чиқариш жараёнлари ғоятда қизиқтирди. Хуллас, бу соҳада биргаликда қўшма корхона ташкил этиш ҳақида шартнома имзоланди.

Хитой томони Ўзбекистонга тўқимачилик ва енгил саноат учун зарур бўлган дастгоҳлар, турли хил жиҳозлар юборишга, қўшма корхоналар учун малакали кадрлар тарбиялашда яқиндан ёрдам беришга тайёр эканликларини изҳор этишди. Шу мақсадда декабрь ойининг охиригача Хитойдан бир гуруҳ мутахассислар Наманганга ташриф буюриб, шу ернинг ўзида аниқ ҳисоб-китоблар асосида шартномалар тузишади.

Наманганлик тадбиркорлар хитойликлар билан яна бир соҳада фойдали шартнома имзолашди. Машинасозлик заводи вакиллари корхона валюта фондидан маблағ ўтказиш ҳисобига Шэньяндаги савдо-электрон компаниясига қарашли 2-универмагдан халқ истеъмоли моллари сотиб оладиган бўлишди. Куни кеча хитойлик Дэн Изюгун ва Юй Хуилар дўкондаги молларнинг энг яхши турларини машинасозларга олиб келишди.

Ўзбек ишбилармонлари яқин вақт ичида яна Хитой сафарига отланадилар. Улар бу гал ҳамкорликда газ плиталари, ғишт тайёрлаш заводларини қуриш, чинни заводини барпо этиш масалаларини хитойлик мутахассислар билан бақамти ҳал этадилар.

Т. СУЛАЙМОНОВ,
«Ўзбекистон овози» жамоатчи мухбири.

ОЗИҚ-ОВҚАТ ҲАҚИДА БИТИМ

Москва, 5 ноябрь. (ТАСС мухбири). Аввалги Совет Иттифоқининг ўн иккита мустақил республикаси ҳукумати вакиллари 1992 йилда озиқ-овқат таъминоти хусусидаги шартномани имзоладилар. Болтиқбўйи мамлакатлари бу жараёнда қатнашмадилар. Бу шартноманинг матни Давлатлараро иқтисодий комитетдан ТАССга топширилди.

11 банддан иборат ҳужжатда республикалар ўртасида ўзаро озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалик хом ашёси етказиб бериш соҳасида вужудга келган хўжалик алоқаларини сақлаб қолиш муддаоси тасдиқланган. Битимнинг энг муҳим хусусияти шуки, унда иқтисодий маконнинг муҳим қисми сифатида ягона озиқ-овқат бозорини шакллантириш зарурлиги эътироф этилган.

Битимни имзолаган республикалар ҳудудидан озиқ-овқатни четга чиқаришни чеклашга йўл қўйиб бўлмайди, деб ҳисобланади. Маҳсулотларни четга олиб чиқиш ҳам, четдан олиб келиш ҳам яна божсиз асосда амалга оширилиши керак.

Битим қатнашчилари Республикалараро иқтисодий комитетга уларнинг номларидан чет давлатлар билан озиқ-овқат харид қилиш мақсадида кредитлар бериш ва бошқа тадбирларни амалга ошириш ҳақида шартномалар тузиш ҳуқуқини бердилар.

• ФАНИМИЗ ЗАҲМАТКАШЛАРИ •

ЗУККО ВА ФИДОЙИ

Инсон умрини оқар дарёга қиёслайдилар. Бу ҳикматни эслаганда дарёнинг гоҳ ҳайқириб-тошиб, баъзан эса камайиб-саёзланиб, гоҳида лойқаланиб оқиши тасвирланади. Елқин Тўрақулов ҳам фан оламида ҳар доим анвойи гуллар териб ижод қилган эмас. Тиканларнинг зарби кўп бўлган. Шундай кезларда домла ҳар доим босиқ, ҳаётга умид билан боқарди. Фанда эса ҳалоллик, тўғрисўзлик, талабчанлик, тинмай изланиш ғояларини ҳамсуҳбатига уқтиришга уринарди.

Истеъдодли олим қаерда ишламасин ёки қандай лавозимга тайинланмасин; Андижон тиббиёт институти ректори ўринбосарими, Самарқанд Давлат дорилфунуни ректори вазифасидами сидқидилдан меҳнат қилди. Ҳамиша камтарлиги билан эл орасида обрў-эътибор топди.

Олим Ўзбекистон Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси, Ленин ва Беруний мукофотларининг лаурети, биология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, Ўзбекистон тиббиёт вазирлиги қошидаги эндокринология илмий-тадқиқот институтига етакчилик қилишдек шарафли йўлни босиб ўтди.

Домланинг ташкилотчилик қобилияти, айниқса Ўлка тиббиёти (ҳозирги эндокринология) ва биохимия илмий тадқиқот илмгоҳлари ҳамда В. И. Ленин номли Тошкент Давлат дорилфунуни биология-тупроқшунослик куллиётида биохимия ва биофизика кафедрасини ташкил этишда яққол намоён бўлди.

Иқтидорли олим гормонлар, жумладан қалқонсимон без биохимиясини тадқиқ қилиши натижасида бу аъзонинг биологик фаол моддалари — тироксин ва трийодтрионин эркин йўдланган тирозинлардан синтезланиши устидаги илмий иши фанда катта янгилик бўлди. Натижада жумҳуриятдагина эмас, ҳатто Иттифоқимизда ҳам олимнинг илмий-тадқиқот изланишлари пойдевори асосида горонлар биохимиясига бағишланган илмий мактаб яратилди.

Иттифоқда, ҳатто хорижда олимнинг илмий фаолияти эътироф этилди, юксак баҳоланди. Бу улкан ютуқлар учун 1964 йилда Ё. Х. Тўрақуловга Ленин мукофоти берилди.

Олим бугунги кунда биохимия, генетика, ген муҳандислиги, биотехнология ва молекуляр биологияга бағишланган илмий ишлар кўлами устида қунт билан ишлаяпти.

Домланинг ижоди ва илмий изланишлари кўп қирали. У фақат қалқонсимон без гормонлари биохимиясини ўрганиб қолмай, балки биохимия фанининг бошқа соҳаларининг ривожланишига ҳам муносиб ҳисса қўшмоқда. Жумладан, у Иттифоқда биринчи бўлиб Ўрта Осиё илонлари заҳарининг таркибини ўрганиш ва ундан турли биология фаол моддалари ажратиб олиш ҳамда амалиётга татбиқ қилишнинг ташаббускори бўлди. Бу хайрли тадбир Ўзбекистон Фанлар академияси Биохимия илмгоҳида муваффақиятли ҳал қилинди ва амалиётда қўлланяпти.

Ҳозирги вақтда илмгоҳ лабораториясида илон заҳаридан ўндан ортиқ ферментлар (биокатализаторлар), токсинлар ва бошқа биофаол препаратлар тоза ҳолда ажратиб олинади ҳамда уларнинг кимёвий тузилиши ва биологик хусусиятлари ўрганилмоқда. Бу биофаол моддалардан айрим Европа мамлакатлари билан тижорат ишларида ҳам кенг фойдаланилмоқда. Олим ўнлаб илмий асарлар, илмий-оммабоп китоб ва рисолалар ёзди.

Елқин Тўрақулов маърифатпарвар инсон. Хусусан, у В. И. Ленин номли Тошкент Давлат дорилфунуни биология куллиётида узоқ йиллардан бери биохимия ва биофизика кафедрасининг мудири сифатида ёш авлодга чуқур билим бериб келаётир.

Ўзбек тилида биринчи марта 1970 йилда олим томонидан «Биокимё» дарслиги ёзилиб, яқинда илмий жамоатчиликнинг илтимосига биноан мазкур дарслик қайта ишланиб чоп этилмоқда. Булардан ташқари ўрта ва махсус мактабларнинг юқори синф ўқувчилари учун «Молекуляр биология асослари» дарслиги ўқувчилар қўлига тегиш арафасида. Домланинг бевосита иштироки ва тақризи остида икки жилдлик «Русча — ўзбекча тиббиёт луғати» чоп этилди.

Ўзбек тилига давлат мақоми берилиши муносабати билан домла Атамашунослик қўмитасида тиббий Европа атамаларини ўзбек тилига ағдаришда астойдил меҳнат қилиб, юқорида кўрсатилган луғатларни қайта ишламоқда.

Мутафаккир илм соҳибининг иккита илмий рисоласи чет элларда, жумладан 1961 йили Исроилда ва 1975 йили АҚШда — инглиз тилида нашр этилди.

Меҳрибон устоз ўз шогирдларининг ютуқлари билан фахрланади. У олтмишдан ортиқ фан номзодлари ва ўнлаб фан докторларига устозлик қилди. Улар орасида жумҳуриятимиз аҳлига танилган академиклар, мухбир-аъзолари, профессор, шифокорлар ва маориф ходимларини таъкидлаш мумкин. Докторлик ва номзодлик диссертациялари ҳамда илмий мақола, рисолалар устида тадқиқот ишлари олиб бораётган кўпчилик ёшлар устоз кўрсатмалари ва маслаҳатларидан ҳамиша баҳраманд бўлдирлар.

М. ВАЛИХОНОВ,
биология фанлари доктори, профессор.

Наманган вилоятининг Задарё районида кексаларга хизмат кўрсатиш соҳаларини ҳар томонлама ривожлантиришга кенг эътибор берилмоқда. Яқинда бу ерда «Саҳоват» кичик корхонаси ташкил этилди. Корхона ёлғиз қарияларга нафақаларни етказишда, тиббий ёрдам кўрсатишда кўмаклашмоқда.

СУРАТДА: ишга туширилган новвойхона хизматидан қариялар мамнун. Новвойлар Маҳмуджон Жўраев ва Эркинбой Холмуродов қария Ўрмонали Эгамовга хизмат кўрсатмоқдалар. Бу ерда бир дона нонинг нархи 6—8 тийин.

А. КОВТУН (ЎзТАГ) олган сурат.

СПОРТ

ЙЎЛЛАНМА ЭГАЛАРИ

● БУХОРОДА стол тенниси бўйича республика мусобақаси ўтказилди. Ўсмирлар ўртасида тошкентлик М. Меркушев ғалаба қозонди. Қизлардан Тошкент вилояти жамоаси вакили Н. Кимнинг қўли баланд келди. Жуфт бўлиб баҳслашганлар орасида майдон эгаларидан Н. Юсупов билан К. Исроилов ғолиблик супасига кўтарилишди. Совринли ўринларни эгаллаган бу спортчилар Бутуниттифоқ мусобақасида иштирок этиш учун йўлланма олишди.

МУҲИМ БОСҚИЧ

● ТОШКЕНТДА республикалараро мусобақа ўтказилди. Курашнинг грек-рим тури бўйича ўтказилган бу беллашувларда самарқандлик 8 полвон совриндор бўлди. Баҳс олимпиада ўринбосарлари мамлакат биринчилигига ҳозирлик тарзида ўтказилган эди. Олмаотада эса «Умид» кубоги учун Бутуниттифоқ ўсмирлар мусобақаси уюштирилди. Республика жамоаси ҳисобида қатнашган Мирзачўл болалар-ўсмирлар спорт мактабининг умидли полвонлари тўртинчи ўринни эгаллашди.

МУХЛИСЛАР ҚУВОНЧИ

● ФАРҒОНА водийси футбол жамоалари ҳам мухлисларни қувонтиришди. «Нефтяник» футболчилари «Факел» жамоасини қабул қилиб (3:2), зафар қучишган бўлса, Навбаҳорчилар «Текистильщик» билан ўйнаб, 3:1 ҳисобида устун келишди. Фарғоналиклар ҳисобидаги очколар 45 тага етди. Навбаҳорчилар 43 та очко тўплашган.

● **«Ўзбекистон овози» рўзномасининг навбатдаги сони 9 ноябрда чиқади.**

Шавкат Назирович ШАРИПОВ

Республика Миллатлараро маданият марказининг директори Шавкат Назирович Шарипов 1991 йил 4 ноябрь куни ҳаётдан кўз юмди.

Ш. Н. Шарипов 1934 йилда туғилди. Ўрта Осиё Давлат дорилфунуни (ҳозирги Тошкент Давлат дорилфунуни)нинг тарих факультетини тамомлагач, Тошкент шаҳри ва республика комсомол органларида ишлади. 1962 йилдан бошлаб партия ишининг турли участкаларига бошчилик қилди. Бир неча йил мобайнида Ўзбекистон телекўрсатуви кинопрограммалар таҳририятига раҳбар бўлди, ўзбек радиоси ижтимоий-сиёсий эшиттиришлар бош таҳририятининг катта муҳаррири бўлиб ишлади. 1989 йил сентябрида республика Миллатлараро маданият марказининг директори этиб тасдиқланди. Бу ерда у ўзининг чинакам байналмилалчи эканини кўрсатди, миллий маданият марказларини ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини йўлга қўйиш, миллатлараро муносабатларни такомиллаштириш учун кўп куч ва ғайрат сарфлади.

Ш. Н. Шарипов ўзига ишониб топширилган барча соҳаларда яхши ташкилотчилик фазилатларини намоён этди, ўз вазифаларини виждонан ва зўр масъулият билан бажарди.

Ш. Н. Шарипов камтарин, меҳрибон, ҳозиржавоб, муносиб ҳурмат ва обрўга сазовор инсон эди.

Ажойиб ва дилкаш инсон Ш. Н. Шариповнинг хотираси дилимизда ҳамиша яшайди.

Бир гуруҳ ўртоқлари.

ЭЪЛОН ВА БИЛДИРУВЛАР

ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШТИРИШ МУҲАНДИСЛАРИ ОЛИЙ БИЛИМГОҲИ

қуйидаги мутахассисликлар бўйича

СИРТҚИ БЎЛИМНИНГ 1-БОСҚИЧИГА

1992—93 ўқув йили учун

ТАЛАБАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Гидромелиорация, қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш, қишлоқ хўжалиги, ер тузилиши, гидромелиорация ишларини механизациялаштириш, қишлоқ хўжалигини электрлаштириш ва автоматлаштириш, қишлоқ хўжалиги машиналарини таъмирлашни ташкил этиш ва унга ишлов бериш ускуналари тавсифи, сув хўжалиги иқтисоди ва уни ташкил этиш.

Олий билимгоҳнинг Қарши шаҳридаги бўлимида қуйидаги мутахассисликлар мавжуд: гидромелиорация, қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш ва қишлоқ хўжалиги.

Сиртқи куллиётга ёшидан қатъий назар ўрта маълумотга эга бўлган СССР фуқаролари қабул қилинадилар.

КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИ: математика (ёзма), физика (оғзаки), танловли она тили ва адабиёт (иншодан танловсиз) — ўтказилади. Ўрта ўқув юртида рус тилини миллий мактаб дастури ҳажмида ўрганганлар ўз ихтиёрига биноан иншо ўрнига рус тилидан диктант ёзишлари мумкин.

Ўрта мактабни олтин ва кумуш медаллар билан тамомлаганлар, шунингдек, ўрта махсус ўқув юртини ва ўрта маълумот базасида ҳунар-техника билим юртини имтиёзли диплом билан тамомлаганлар кириш имтиҳонлари пайтида фақат математика фанидан ёзма имтиҳон топширадилар. Агар улар бу имтиҳонни «аъло» баҳога топширган тақдирда бошқа имтиҳонлардан озод этиладилар.

ЎРТА МАХСУС ЎҚУВ ЮРТИНИ ТАМОМЛАГАН ВА ҚАМИДА 1 ЙИЛЛИК ИШ ТАЖРИБАСИГА ЭГА БЎЛГАНЛАР КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИ ЎРНИГА СУҲБАТДАН ЎТАДИЛАР.

Кириш имтиҳонларидан ижобий баҳо олган ҳарбий хизматчилар, заҳирага бўшатилган ва ҳукумат имтиёзига эга бўлган шахслар, етим болалар, боқувчисиз қолган болалар, табиий меҳнат назорати ходимларининг хулосасига биноан ўқиш соғлиғига зарар қилмайдиган I ва II гуруҳ ногиронлари танловсиз қабул қилинади.

АРИЗАЛАР 1991 ЙИЛ 15 НОЯБРДАН 31 ДЕКАБРГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИ 1992 ЙИЛ 3 ЯНВАРДАН 22 ЯНВАРГАЧА ЎТКАЗИЛАДИ.

Таклаган ихтисослигини кўрсатиб олий билимгоҳ ректори номига ёзилган аризага қуйидаги ҳужжатлар қўшиб топширилади: ўрта маълумоти тўғрисидаги ҳужжат (асл нусхаси), 6 дона сурат (3х4 см. ҳажмида), меҳнат дафтарчасининг корхона, жамоа хўжалиги раҳбари томонидан тасдиқланган нусхаси, (086/У шаклдаги) тиббий кўрик маълумотномаси.

Олий билимгоҳ манзили: 700000, Тошкент шаҳри, Қори Ниёзий кўчаси, 39-уй. Телефон: 35-75-21.

Қарши бўлими манзили: 730000, Қарши шаҳри, Карл Маркс кўчаси, 225-уй. Телефон: 4-13-95.

СИРТДАН ТАЪЛИМ ОЛАЁТГАН ТАЛАБАЛАР ДИҚҚАТИГА!

Тошкент меъморчилик ва қурилиш олий билимгоҳи сиртдан таълим олаётган I—VI курс талабаларига қишки имтиҳон сессияси қуйидаги муддатларда ўтказилишини

МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

1 курсда 06.01—19.01.92 йилгача;
2 курсда 13.01—26.01.92 йилгача;
3 курсда 03.02—23.02.92 йилгача;
4 курсда 03.02—23.02.92 йилгача;
5 курсда 02.12—22.12.91 йилгача;
6 курсда 06.01—26.01.92 йилгача;

Тадбиркорлар бор бўлсин

МИНГ МАРТА ЭШИТГАНДАН...

Қамаши районидаги Гагарин номли давлат хўжалиги директори Б. Эшмуродов яқинда «Каршиинторг» йўлланмаси билан Америка Қўшма Штатларида бўлиб қайтди. Қариб бир ой давомида Калифорния штатидаги Хейворд университетида таълим олди, Ирик олимларнинг халқаро иқтисодиёт муаммоларига, хўжаликни бошқариш маҳорати сирларига доир суҳбатларини тинглади. Жойларда бўлиб, ишлаб чиқариш ва деҳқончилик ишлари билан танишди. Пахта етиштириш технологияси билан қизиқди. Ўрганса арзигулик тажрибаларга кўпроқ эътибор берди. Америкада текис ерда пушта олингач, гербицид солиниб, унга сув оқизилади. Кейин ер етилгач, аниқ уялаб уруғ ташланади. Кўряпсизки, чигит бир текис униб чиқади. Бегона ўт бўлмайди. Яганага ҳам ҳожат йўқ. Экин икки марта культивация қилиниб, 8-10 марта томчилаб суғорилса бас. Пахта етилди, деяверинг. Чеканканинг химикат орқали амалга оширилиши, қойил қолдиради, кишини. Ҳосил бир маротабада машиналар ёрдамида қисқа фурсатда йиғиб олинади.

Директорга маъқул тушган томони шу бўлдики, пахта сингари бошқа деҳқончилик экинларидан ҳам илғор технологияга амал қилиб, мўл ҳосил етиштирса бўларкан. Хусусан, техника кўмагида катта-катта пайкалларга помидор кўчатидан ўтқазиб, деҳқончилик қилинаётганлиги Б. Эшмуродовни лол қолдирди. Америкаликларнинг биргина помидорнинг ўзидан гектарига 80 тоннагача ҳосил олишларини айтмайсизми. Ахир, бунинг турган битгани иқтисодиётга катта фойда-ку. Агар бу тажриба Ўзбекистон шароитида қўлланилса борми, ҳар бир колхоз ва совхоз пахтадан кўра икки-уч ҳисса кўп даромад олиши турган гап. Хориждан олган таассуротлари — АҚШ тажрибаси асосида Б. Эшмуродов келаси йилдан бошлаб ўзи раҳбарлик қилаётган хўжаликнинг 100 гектар ерида помидор, 50 гектарида пиёз ва яна шунча гектар ерида полиз етиштиришни ўша ёқ далигидаёқ кўнглига тугиб қўйганди.

Бунинг исботи эса маҳсулотни қайта ишлаш муаммосини ҳал қилиб келгани бўлди. У Калифорния штатидаги америкаликлар билан хўжаликда дурустгина консерва заводи қуришга аҳдлашиб қайтди. Улар бир мавсумда 2 минг тонна маҳсулотни қайта ишлайдиган корхона қуриб беришга ваъда қилиб қолдилар.

Хўжалик раҳбари Калифорния помидорзорларини кўздан кечираркан, бу ҳосилни етиштиришдаги барча ишлар механизациялашганини кўрди. Ўз хўжалигида амалга оширадиган ишларини енгиллатишни ҳам обдон ўйлади. Помидор кўчатларини уяларга аниқ экадиган ва ҳосилни нест-нобуд қилмай йиғиштириб оладиган агрегатларнинг ҳар биридан иккитадан буюртма берди.

— Аниқ мақсадга эришиш учун америкаликлардай томчилатиб суғоришни йўлга қўйишимиз керак, — дейди Б. Эшмуродов. — Дастлаб биз бу илғор усулни 200 гектар ерда жорий этамиз. Сўнгра мавжуд 1800 гектар ерни томчилатиб суғоришга ўтамиз. Шунинг тенг ярмисида сабзавот ва полиз экинлари ўстирилса, эл-юрт озиқ-овқат таъминотини янада яхшилаш имкониятларини туғилади. Бир вақтнинг ўзида пахта майдонларининг ҳам ҳосилдорлигини оширмоқчимиз.

Бу йил 425 та оиланинг ҳар бири ўртача уч гектардан беш гектаргача майдонда пудрат асосида пахта етиштирди. Кўпгина юмушлар техника зиммасига юклатилганлиги учун маблағлар ортиқча сарфланмади. Ўтган йили давлат хўжалиги бўйича 83 фоиз ҳосил машиналар бункеридан тўкилган, йил якуни билан хўжалик 2 миллион 300 минг сўм соф фойда олган эди. Шунинг 1 миллион 200 минг сўми мукофот тарзида ишчиларга берилди. Агар бу пул ишлайдиган 1100 кишига тақсимланса, ҳар бир кишининг даромади ўртача 11 минг сўмданга тўғри келади.

Бу йил ҳам 80 фоиздан зиёд ҳосил машиналарда терилди. Шунга кўра 45 та терим агрегати, тош-тарози ва бошқа ускуналар ҳосилни йиғиштириб олишда ишлатилди.

Хуллас, давлат хўжалиги қишлоқлари кўркига кўрк қўшаётган чойхона, клуб, универмаг ва замонавий турар жой бинолари сингари иншоотлар даромадга қараб келаётган буромад эвазига барпо этилаётир. Мабодо, директор сафарда кўрганларини, уққанларини хўжалик турмушига татбиқ этгудек бўлса борми, унда ишлар янада барор топади.

М. КАРОМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЭЪЛОН ВА БИЛДИРУВЛАР

Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлиги

ТОШКЕНТ ЭЛЕКТРОТЕХНИКА АЛОҚА ОЛИЙ БИЛИМГОҲИ

1991-92 ўқув йилига тезкорлик билан ўқитиш учун

ТАЛАБАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Олий билимгоҳ қуйидаги мутахассисликлар бўйича тезкорлик билан алоқа муҳандисларини тайёрлаб беради: «автомат электр алоқаси» (ихтисослари: электр алоқасини бошқарувчи тизимлар; дискрет ахборотларни узатиш; автомат коммутация тизимлари); «кўпканалли электр алоқаси» (**ихтисослари:** алоқа ускуналари ва иншоотларини монтаж қилиш, кўпканалли узатиш тизимларини лойиҳалаш ва ишлатиш; тола-оптика алоқа линиялари); «радиоалоқа», «радиоэшиттириш ва телевидение».

Ўқиш муддати — 3 йилу 4 ой.

Тезкор таълим гуруҳларига алоқа техникумлари ва алоқа ўрта ҳунар-техника билим юртларини битирган ёшлар, техникавий йўналишдаги олий ўқув юртларининг 2—3-курс талабалари, шунингдек, корхона-ўқувчи-олий билимгоҳ ўрталаридаги ўқишнинг ҳар бир йили учун 7 минг сўм тўлаш тўғрисида тузилган уч томонлама шартномага эга бўлган иккинчи ихтисосни эгаллаш ниятидаги шахслар ҳам қабул қилинадилар. Стипендияни буюртмачи-корхона тўлайди.

Ҳужжатлар — 1991 йил 15 ноябрдан 31 декабргача қабул қилинади. 1992 йил 15 январдан 30 январгача суҳбат ўтказилади. Машғулотлар — 1992 йил 1 февралда бошланади.

Кирувчилар олий билимгоҳга келганда расмийлаштирилган уч томонлама шартнома (2 нусхада), шахсий ҳужжатлар, паспорт, ҳарбий билет ёки ҳарбий рўйхатда қайд этилганлик гувоҳномасини кўрсатадилар. Шахсий ҳужжатлар: белгиланган шаклдаги ариза, маълумоти тўғрисида ҳужжат (асли), 086/У шаклдаги тиббий маълумотнома, 3х4 см. катталикдаги 7 та фотосурат, меҳнат дафтарчаси ёки жамоа хўжалиги дафтарчасининг жамоа хўжалиги идораси томонидан тасдиқланган кўчирмасидан иборат бўлиши лозим.

Олий билимгоҳга қабул кириш имтиҳонларисиз, суҳбат натижаларига кўра амалга оширилади.

Бошқа шаҳардан келганларга ётоқхонадан жой берилади.

Ҳужжатлар якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9 дан 16.00 гача, шанба куни соат 9 дан 14.00 гача, 112-хонада қабул қилинади.

МАНЗИЛИМИЗ: 700084, Тошкент шаҳри, Е-84, Энгельс кўчаси, 108-уй.

ТЕЛЕФОНЛАР: 35-77-75, қабул комиссиясининг масъул котиби, 35-10-40, ўқув ишлари бўйича проректор.

ҚАДРИЯТЛАР ТИКЛАНМОҚДА

«Тез ёрдам» машинаси ҳайдовчиси Шаҳоб Мамажонов хонадонида фалокат туфайли ёнғин рўй берди. Оқибатда оддий меҳнаткашнинг оиласи бошпанасиз қолди ва катта моддий зарар кўрди.

Лекин ҳамқишлоқлар оилани ўз ҳолига ташлаб қўйишмади. Қариялар, фаоллар даъвати билан шанба, якшанба кунлари бутун қишлоқ аҳли Мамажоновлар оиласига ёрдамга келди ва хашар йўли билан фалокатдан жабр кўрган хонадон оғирини енгил қилди.

Бундай ҳамиятдан Мамажоновлар оиласи беҳад миннатдор бўлмоқда.

Комсомол районидаги «Ленинград» давлат хўжалиги ҳудудидаги «ГЭС» деб аталувчи катта йўл бўйидаги қишлоқда содир бўлган ушбу воқеа ҳақида «Гулистон янгиликлари» район рўзномаси батафсил хабар берди.

А. УМАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

● **ҚАШҚАДАРЁ вилоятидаги Китоб халқ истеъмоли буюмлари фабрикасининг сопол цехи буюмлари яна 20 тага кўпайди. Лаган, пиёла, чойнак, гулдон шулар жумласидандир. Бу йил жамоа 700 минг сўмлик ана шундай маҳсулотлар ишлаб чиқаришга аҳд қилган. Бу ўтган йилдагига нисбатан 220 минг сўмлик кўп, демакдир.**

СУРАТДА: сопол буюмлари цехи бошлиғи Ҳамдам Ғаниев ва рассом Маъсуда Йўлдошева изланишда.

Ш. ШАРОПОВ (ЎзТАГ) олган сурат.

Ўзбекистон Фанлар академиясининг биокимё илмгоҳи жамоаси гормонлар биокимёси лабораториясининг катта илмий ходими, биология фанлари номзоди Т. П. Тошхўжаевага умр йўлдоши

Олег Азизович ТОШХЎЖАЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент Давлат Санъат олий билимгоҳининг ректорати ва жамоа ташкилотлари саҳна нутқи кафедрасининг ўқитувчиси Х. Жўлдиқораевага отаси

Тоштемир ЖЎЛДИҚОРАЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ғўза селекцияси ва уруғчилиги илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоаси шу бирлашманинг собиқ олимаси, селекционер, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган агроном

Марҳабо Алиевна БУРНАШЕВАнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси маданият вазирлиги жамоаси вазирлик ҳузуридаги миллатлараро маданий марказ директори

Шавкат Назирович ШАРИПОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Я. ТУХТАЕВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, М. ХАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХУЖАЕВ (масъул котиб), М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.



БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: *700000, Тошкент–ГСП, Ленинград кўчаси, 32.*

БЎЛИМЛАР: мушториялар фикрини ўрганиш ва хатлар — 32-21-40, 33-34-55, 32-53-16, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06; қайта қуриш ва ижтимоий адолат — 32-55-70, 32-53-20; партия турмуши, советлар ҳаёти, назария ва мафкура — 33-34-69, 33-38-95, 32-53-97, 32-57-19, 32-54-10; саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 33-81-48, 32-53-14, 32-54-09; деҳқончилик саноати — 33-76-04, 33-07-20, 32-53-15, 32-53-70; иқтисодиёт ва ҳаёт — 33-12-16, 32-57-20; фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21; адабиёт, санъат, тил ва публицистика — 33-20-36, 33-12-56, 32-54-35, 32-55-16; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 33-14-24, 32-55-17; ахлоқ-одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-54-27; безатиш — 32-57-22.

ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-48-85, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-20, Урганчда — 6-80-04, Фарғонада — 6-90-89.

МУАССИС: «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ЖУРНАЛИСТЛАРИНИНГ ЖАМОАСИ

Нашр кўрсаткичи 6281.
Буюртма № 6121.
Босишга топшириш вақти — 21.00.
Босишга топширилди — 23.00

№ 216.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. 700000 Тошкент шаҳри. Ленинград кўчаси, 32.

Рўзнома офсет усулида А—2 форматида босилади. ● 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12